

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тарих ва ижтимоий фанлар факультети
Ўзбекистон тарихи кафедраси

Қўлёзма ҳуқуқида

Козимжонов Отабек
**АНТИК ДАВР МОДДИЙ МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА ТУТГАН ЎРНИ.**

5120300 – тарих (жаҳон мамлакатлари бўйича) таълим йўналиши бўйича
бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

БИТУРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Иш раҳбари: тарих фанлари
номзоди, доцент Д.Собирова

Андижон – 2015 йил

РЕЖА:

КИРИШ.....3

**I БОБ. КАТТА ХОРАЗМ ВА ҚАДИМГИ БАКТРИЯ
ДАВЛАТЛАРИ ТАРИХИГА ОИД АРХЕОЛОГИК
ЁДГОРЛИКЛАР**

**II БОБ. ҚАНҒ ВА ДОВОН ДАЛАТЛАРИГА ОИД МОДДИЙ
МАНБАЛАР .**

**III БОБ. КУШОНЛАР САЛТАНАТИГА ОИД МОДДИЙ
ЁДГОРЛИКЛАР.**

ХУЛОСА.....45

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....50

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин, она-Ватан тарихини билишга, ўзликни англашга қизиқиш ортди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, “Ўз тарихини билмайдиган, кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган”¹.

Тарих сабоқлари инсон учун намуна бўлади, таълим тарбия беради. Тарих сабоқлари халқни ҳушёрликка, ўз озодлигимиз, истиклолимизни кўз қорачиғидек асрашга ундайди. Ислон Каримов таъкидлаганидек, “Модомики ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳақиқий тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантиришимиз, яна бир бор қуроллантиришимиз зарур”².

Бугунги кунда тарихшунослигимизда ўрганилиши долзарб бўлган масалалардан бири – антик давр моддий маданий ёдгорликлари ва уларнинг миллий маънавиятни шакллантиришда тутган ўрни мавзусидир. Ўрта осийда антик яъни қадимги давр эрамиздан аввалги IX-VIII асрлардан бошланиб – милодий IV асрда Кушонлар давлатини инқирозини ўз ичига олади . европада эса эрамиздан аввалги IV асрдан милодий V асрнинг охири 476-йил яъни ғарбий рим империясининг қулашигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Ушбу даврда ватанимиз ҳудудида ташкил топган Катта Хоразм , Қадимги Бақтрия , Қанғ, Давон ва Кушонлар давлати шаклланиб бу давлатлар ўзига хос моддий ёдгорликлар яратишган. Уларни миллий маънавиятимизни шакллантиришда алоҳида ўрни бор.

IX-XII асрларда Ахсикент майдони 400 гектарни ташкил қилиб, Фарғонанинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида катта роль ўйнаганлиги аниқ мисоллар билан

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият-енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008.-Б.4.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998.- Б.25.

кўрсатиб берилган. Бундан ташқари тадқиқотда Фарғонанинг бошқа пойтахт шаҳарлари ҳақида ҳам гап боради, жумладан, IX-X асрлар Кува Жанубий Фарғонанинг пойтахти сифатида ҳар томонлама ривожланган бўлса, XI-XII асрларга келиб унинг ўрнини Марғилон эгаллайди.

Шу билан бирга тадқиқотда IX-XII асрларда яшаб ижод қилган фарғоналик Аҳмад Фарғоний ва Бурхониддин Марғиноний каби алломаларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар берилган.

Тадқиқотнинг иккинчи боби Фарғонанинг ибтидоий тарихига бағишланган. Унда Фарғонанинг бир миллион йилга яқин ибтидоий тарихи янги археологик материаллар асосида ёритилган. Жумладан, Жанубий Фарғонанинг Сўх ҳавзасида жойлашган Селунгир ёдгорлиги асосида қадимги тош даври, Обишир материаллари асосида эса ўрта тош даври одамларининг турмуши, хўжаликлари ҳақида маълумотлар берилган. Шу билан бирга Марказий Фарғонанинг янги тош даври ёдгорликлари асосида бундан 4-5 минг йиллар аввал яшаган Фарғона одамларининг кундалик ҳаёти ҳақида янги маълумотлар берилган³.

Битирув малакавий ишининг учинчи боби қадимий Кувага (Кубо) бағишланган. Маълумки, бу шаҳар ўрта аср ёзма манбаларида (Истахрий, ибн Хаувқал, ал-Муқаддасий) кўп марта тилга олинган. Уларда Кувага водийдаги йирик шаҳар сифатида таъриф берилади. Аммо шу вақтгача ёзма манбаларни археологик қазишмалар билан солиштириб ўрганишга кам эътибор берилган эди.

Ишда Кува тарихини илк босқичлари, унинг номини келиб чиқиши, шаҳар дарвозаси ҳақида маълумотлар ва шаҳарни ривожланиш давлари ва энг қадимги қатламларни 2000 йилдан ортиқ эканлигини тасдиқ этувчи ишонарли далиллар келтирилган.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Мазкур битирув ишини ёзиш учун кўплаб адабиётлардан фойдаланилди. Тадқиқотнинг назарий асосини Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари ва мавзуга доир билдирган фикр ҳамда нутқлари ташкил этади⁴.

³ Анорбоев А., Исломов У., Матбобоев Б. Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. -Тошкент: Фан, 2001.-Б.4.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т., «Ўзбекистон», 1992; Ўша муаллиф. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т., «Ўзбекистон», 1995; Ўша муаллиф.

Ўрта осийда антик давр тарихни ёритишда Фарғона водийси тарихини ёритишда муаллифлар томонидан яратилган “Ўзбекистон тарихида Қадимги Фарғона” номли рисоладан тадқиқот ишини ёзишда фойдаланилди Шу билан бирга кўплаб тадқиқотчиларнинг мавзуга оид бўлган асарлари ишни ёзишга яқиндан кўмак берди. Н. Горбунованинг қадимги Фарғона тарихига бағишланган асаридан битирув малакавий ишининг биринчи бобини ёритишда фойдаланилди⁵. Тадқиқотнинг учинчи бобини ёритишда эса В.Булатова томонидан яратилган асар⁶дан кўплаб маълумотлар келтирилди. Бундан ташқари, тадқиқот ишини ёзиш мобайнида кўплаб даврий матбуот нашрлари материалларидан ҳам атрофлича фойдаланилди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объектини Фарғона водийсининг бир миллион йиллик тарихи ташкил этади. Ишнинг предметини эса водийда шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг тарихий тараққиёти ҳамда илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва у билан бевосита боғлиқ бўлган сунъий суғориб деҳқончилик интенсив йўлга қўйилиши масалалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотдан қўзланган асосий мақсад ва вазифалар қуйидагилардан иборат:

- Фарғона водийси ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини илмий манбаларга асосланган ҳолда ёритиш;
- Ўша даврдаги маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий таркибини таҳлил қилиш;
- Водийда шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг тараққиётини тадқиқ қилиш;
- Фарғонада илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва унинг асосий жиҳатларининг очиқ бериш;

Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., «Ўзбекистон», 1997; Ўша муаллиф. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Т., «Ўзбекистон», 1998; Ўша муаллиф. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т., «Шарқ», 1998; Ўша муаллиф. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т., Ўзбекистон, 1998; Ўша муаллиф. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т: Ўзбекистон, 2011.

⁵ Горбунова Н.Г. В древней Фергане. Ташкент. 1971.

⁶ Булатова В.А. Древняя Кува. –Ташкент, 1972.

- Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик ва унинг асосий жихатларини ёритиб бериш.

Ишнинг илмий янгилиги. Тадқиқотда Фарғона водийси ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти тегишли тарихий ҳужжатлар асосида ҳолисона ёритиб берилди. Жумладан тўпланган маълумотлар асосида қуйидагиларни ёритишга муваффақ бўлдик:

- Фарғона водийси ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини илмий манбаларга асосланган ҳолда ёритилди;

- Водийда шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг тараққиётини кўплаб тарихий манбалар ва материаллар асосида таҳлил қилинди;

- Фарғонада илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва унинг асосий жихатлари бўй тарихий маълумотлар асосида очиқ берилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқотдаги материаллардан Фарғона водийси тарихини ўрганишда ва мавзуга доир махсус курслар ташкил қилишда ҳамда амалий машғулотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузилиши. Битирув малакавий иш кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Иш 56 саҳифани ташкил этади.

КАТТА ХОРАЗМ ВА ҚАДИМГИ БАКТРИЯ ДАВЛАТЛАРИ ТАРИХИГА ОИД АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАР

Массагетлар иттифоқи. Подшо Фарасман ва унинг даврида Хоразм давлати Қўйкирилган қалъа—қадимги Хоразмликларнинг нодир ёдгорлиги диний эътиқоди ва ёзуви. Арсамух I ва Вазамар. Тупрокқалъа — қадимги Хоразм давлатининг пойтахти. Подшо саройи ва архив хужжатлари.

Милoddан аввалги VI асрда Урта Осиёнинг жанубида ташкил топган Аҳамонийлар империяси (Форслар давлати) ўзининг шимоли-ғарбий давлат чегаралари ташвишида яшар эди. Чунки бу чегараларда жойлашган қадимий Хоразм ва уни ўраб олган чўлларда, Амударё этаклари ва Оролбўйи районларида жуда қадим замонлардан массагет қабиалари иттифоқи яшаб келар эди. Массагетлар жанговар, эрксевар, она-юрт озодлиги йўлида ўлимга ҳам тик боровчи халқ эди. Массагет қабиалари тугилган фарзандини, ўғил ёки қиз бўлишидан қатъи назар, ёшлигидан ватан мудофасига тайёрларди. Халқимизнинг узок ўтмиш тарихидан бизгача етиб келган Тўмарис ва Широқ афсоналари ҳам ана шу сак ва массагет қабиалари фарзандларининг ташки душман — қадимги Эрон подшолари Кир ва Дороларга қарши қаҳрамонона курашларидан бир шингил ҳикоялардир. Массагетлар иттифоқига ўша замонларда хоразмийлар, улар билан яхши кўшничиликда яшаб келаётган амюргия саклари, дербиклар, осийлар, тохарлар (дахлар) ва бошқа қатор қабиалар кирар эди. Бу иттифокда Хоразмнинг урни катта эди.

Қадимги Хоразм тарихининг билимдони С. П. Толстов ўзининг асарларида массагет қабиалари иттифоқи, уларнинг Саксафар, Омарг ва Тўмарис қаби вакиллари тўғрисида фикр Юритиб ўтади. С. П. Толстов Тўмарисни дербиклар маликаси, Омаргни эса сакларнинг подшоси эди, дейди. Саксафарга келганда у сиёвушийлар сулоласига тегишли қадимги Хоразм подшоси Шаушафор бўлиши керак, деган гоёни олга суради.⁷ С. П. Толстовнинг бу мантиқий ўхшатишида тарихий ҳақиқат бўлса, у ҳолда

1. ⁷ Толстов С. П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Т.: Фан. 1964.

2.

милоддан аввалги VI асрда кадимги Хоразм ўз ҳукмдорига эга бўлган. Саксафар Хоразм давлатининг илк подшоларидан бири бўлган.

Массагет қабилалари иттифоқи устига Эрон подшолари милоддан аввалги VI асрда уч марта юриш қилади, Уч юришда ҳам аҳамонийлар катта ғалаба билан урушни якунлай олмасалар-да, Ксеркс подшолиги даврида Хоразм аҳамонийлар тобелигида булган. шунингдек, Хоразм ҳар йили империя хазинасига солиқ тўлаб турган. Ҳатто хоразмийлар Ксеркснинг милоддан аввалги 480 йилда Юнонистон устига уюштирган ҳарбий юришларида қатнашади. Хоразмлик Артасект Дарданел бўғозидаги шаҳарлардан бирида ҳоким бўлиб ишлаган Вошка бир хоразмлик Даргман Элефантина (Миср)даги Форслар қўшинида аскар бўлиб хизмат қилган. Бу фактлар Хоразмнинг милоддан аввалги VI—V асрларда Эрон аҳамонийларига тобе эканлигидан гувоҳлик бералн. Аммо манбаларда Хоразмнинг милоддан аввалги IV асрда Эрон қўл остида бўлганлиги ҳақида ҳеч бир хабар йўқ. Аксинча Искандар қўшинлари Доро III устига бостириб келгап чоғларда Хоразм мустақил давлат сифатида сиёсат юритган.

Милоддан аввалги 328 йилнинг қишида Хоразм подшоси Фарасман 1500 аскари билан Искандарнинг ҳузурига келиб, кора денгиз бўйи қабилалари устига юриш қилмоқчи бўлса, бу юришда унга ёрдам қилажагини билдирган. Искандар еса Фарасманга раҳмат айтиб, унинг мақсади Ҳиидистон томон юриш эканлигини билдирган. Зарур бўлса, вақти келиб, унинг ёрдамидан фойдаланажагини таъкидлаган. Кейинрок сак ва массагетлар иттифоқи (Хоразм шу иттифокда эди) Искандер қўшинла-рининг силласини қуритган Спитамен томонида туриб, македонияликларга қарши курашди. Ҳатто Спитамен тенгсиз курашда мағлубиятга учраганда массагет қабилалари иттифоқи аъзолари унга бошпана бердилар.

Спитамен мағлубиятидан кейин эрксевар Ўрта Осий халқларининг ташқи душманга қарши кураши тўхтамади. Искандар ва унинг меросхўрлари — Салавкийлар ва Юнон-Бақтрия давлатларига қарши Ўрта Осиёнинг шимолида, сак ва массагетлар чўлининг марказида, Хоразм давлати атрофида

кучлар тўпланиб борди. Бу кўчманчилар иттифоқи бир ярим аср ўтгач, Ўрта Осиёни чет ел босқинчиларидан озод этишда ҳал қилувчи ролни ўйнаган.

Милоддан аввалги VI—V асрларда тараққий этган қадимги Хоразм давлати ҳақида археологик изланишлар жуда бой материаллар беради. Ўнлаб ўша давр қалъалари, қадимги шаҳар қолдиқлари ўрганилган. Қадимги Хоразм тарихи ва маданияти ҳақида бой материалларни бизгача сақлаб келган ёдгорликлардан бири Қўйқирилган қалъадир.

Қўйқирилган қалъада 1951—1957 йилларда археологлар иш олиб бордилар. Аниқланишича, бу шаҳар қадимги Хоразм давлатининг милоддан аввалги IV ва милодий I асрига тегишли обод шаҳарларидан бири бўлган. Шаҳар дойра шаклида қурилган баҳайбат қалъа бўлган. Қалъанинг ташқи деворида 9 та бурж бўлган экан. Ташқи девор ичкараси беҳисоб калин хоналар билан қопланган. Қўйқирилган қалъа тўрт аср девомида бир неча бор таъмирланиб, унинг ички тузилишига аниқликлар киритиб борилган. Қалъа ичида, унинг марказий майдонида доира шаклида қурилган икки қаватли монументал бино қад кўтарган. Бу марказий бинонинг биринчи қавати тўлиқ сақланган.

Бинонинг марказий чизиғи бўйлаб гумбазли хона қад кўтарган. Унинг икки ёнида юқори қаватга олиб чикувчи пиллапоаялар жойлаштирилган.

Бинонинг ҳамма жойи бир вақтда ўзлаштирилмаган, Милоддан аввалги III ва II асрларда унинг ички тузилишида катта ўзгаришлар юз берган.

Бино айланаси бўйлаб уч қатор муҳофаа девори бор ва улар оралигида икки қатор ўқчилар йўлағи шаклланган. Ташқи деворларнинг юқори қисмида камончилар учун қатор туйнуқлар қолдирилган. Деворларнинг пастки қисмида эса дераза туйнуқлари жойлаштирилган.⁸ Қалъага кириш дарвозаси унинг шарқий томонида бўлиб, у квадрат шаклида қурилган. Дарвозанинг икки ёнида айлана шаклида қурилган буржлар жойлаштирилган. Олимлар

3. ⁸ Ғуломов Я.Ғ Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Т., 1959

орасида қалъанинг марказий биноси ўз даврида расадхона ролини бажарган деган мулоҳазалар мавжуд.

Кўйқирилган қалъа Хоразмнинг антик даври маданий дунёси учун жуда бой материаллар беради. Бу даврда кулолчилик юксак ривожланган. Кулолчилик маҳсулоти бўлган керамикадан ясалган идишларнинг ташки сиртига қизил рангда геометрик шаклларда нақш берилган, Кузаларнинг дастаси арслон бошли киёфада ишланган, Идишлар орасида сиртига бўрттириб ишланган афсонавий қушлар, чопар от устидаги сипоҳий сурати солинган кузалар учрайди. Кўза сиртига солинган нақшлар орасидр серсокол мўйсафид бир бош узумни кўлида ушлаб турибди, бошқа бир идишда эса тахтда утирган аёлнинг уз чакалоғини бағрига босиб тургани тасвирланган. Нақшдор идишлар кадимги Хоразмнинг Қалъали Кир даври (милоддан аввалги VI—IV асрлар) ёдгорликларида ва Тупрокқалъа (милодий II —IV асрлар) даври ёдгорликларида ҳам кенг учрайди. Идишларга найза учли қалпоқ кийган ҳарбий, от устидаги сипоҳий, арслон, жайрон, туя суратлари туширилган. Кадимги Хоразмда амалий, тасвирий ва меъморчилик санъати кенг ривожланган.

Кўйқирилган қалъада узумдан ичимлик тайёрлаш яхши йўлга кўйилган. Чунки бу ҳақда қалъа хоналаридан бирида топилган қатор хумларда сақланган узум данаклари гувоҳлик беради. Бундан ташқари, Қўйқирилган қалъа ҳайкалчалари орасида бир кўлида узум, иккинчи кўлида боғбон пичоғи тутган ялангоч эркакнинг тасвири ҳам бор.

Ҳосилдорлик худоси Нахид ҳайкалчалари байрам либосида тасвирланган. Бир ҳайкалчада Нахид биринчи кўлида бақал, иккинчи кўлида амфора (қўш дастали графин) тутиб турибди.

Кўйқирилган қалъа ҳайкалчалари орасида тулпор от тасвири куп учрайди. Кадимги Хоразмнинг шу даврга оид бошқа ёдгорликларида эса туя, қўй, қуш суратлари солинган тасвирий ва ҳайкалторошлик санъатини кўра-миз. Бу ҳол. бир томондан, қадимги Хоразм халқининг юксак даражада ривожланган маданий дунёсини кўрсатса, иккинчи томондан, уларнинг

саклар ва массагетлар билан доимо иктисодий, сиёсий, ҳарбий ва маданий соҳаларда ҳамда этник жиҳатдан улар билан бир танадан ўсиб чиққан шохчалар эканлигидан гувоҳлик беради.

Кўйкирилгап калъанинг куйи қатламидап милоддан аввалги III асрга оид ёзув намуналари топилди. Ёзув орамий алфавити асосида шарқий эрон тиллари лаҳжасида ёзилган. Бир хумда Аспабарак ёки Аспабадак сўзи ёзилган. Сўзнинг асосида аспа сўзи ётади. Аспа—от, барак ёки бадак феъли кўшилиб, отда кетувчи ёки от устидаги СИПОҲИЙ маносини англатган. Бунга ўхшаш ёзув намуналари Кўйкирилтан калъада кўплаб топилган. С. П. Толстой уларни кадимги Хоразм ёзуви деб атайди. Куйкирилган Калъада унлаб остадонлар, яъни одам киефасида ишланган сопол тобутлар топилган. Бу ноёб топилмалар кадимги хоразмликларнинг зардуштийлик динига бўлган эътиқоди ва юксак даражадаги тасвирий санъати ҳақида гувоҳлик беради.

Кўйкирилган калъада ҳаёт IV аерда тўхтайди. Бу воқеани С. П. Толстов Канг давлатининг тарих майдонига чиқиши билан боглайди.⁹

Тарихий манбаларда подшо Фарасмандан кейин ўтган Хоразм подшолари ҳақида лом-мим дейилмайди. Аммо милоддан аввалги III—I асрларда кадимги Хоразмда шаҳар ҳаёти, иктисодиёт, маданият юксак ривожланган. Кадимги Хоразм худудида бу даврга оид юзлаб ёдгорликлар бор. Бу даврда зарб этилган тангаларда Юнон-Бақтрия ва Парфия тангаларига тақлид қилиб чиқарилган Канг давлатининг тангалари учрайди. Шунинг учун С. И. Толстов бу давр Хоразм тарихини Канг давлати таркибида кўради. У I асрдан бошлаб эса кадимги Хоразм Кушонлар давлати таъсирига ўтди, деган хулосага келади. С. П. Толстов хулосалари яна ўша танга топилмаларга асосланган.¹⁰ Чунки кадимги Хоразм тарихида милодий

5. ⁹ Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко- археологического исследования. М. 1948

6.

7. ¹⁰ Толстов С.П. По следам древне хорезмийской цивилизации. М. 1948

8.

эранинг бошларида кушонларнинг Герай ва Кадфис номли подшолари помп билан зарб этилган тангалар пайдо бўлган.

Кушон подшоси Канишка даврига келиб эса унинг номи билан зарб этилган тангалар Хоразмнинг II ва III аср тарихига оид ёдгорликларида жуда кўп учрайди. Шу билан бирга III аср бошларидан бошлаб Хоразм ҳудудида Хоразм подшоларининг тасвири туширилган тангалар пайдо бўлади. Тупроққалъада Хоразм подшоси Арсамуха I ва унинг рафикасининг тасвири туширилган тангалар топилган. Бу тангаларда Арсамуха баланд бош кийимда серсоқол ҳукмдор сифатида тасвирланган. Танганинг юкори қисмида юнонча «подшо» сўзи, танганинг пастки қисмида эса подшо сурати остида Хоразм ёзувида «подшоҳ Арсамух» сўзи ёзилган. Танганинг орқа томонида анъанавий сипоҳий сурати «S» тамгаси бор. Тамга ва сипоҳий тасвири «мукаддас Канг» анъанасини эслатади. Бу афсонавий афригийлар сулоласининг вакили эди. Хоразм тангаларида Арсамух меросхўрларидан бири сифатида Вазамарнинг номи эслатилади. Унинг номидан кумуш тангалар зарб этилган. Вазамар тасвирида узун ва калин соқолли подшо бургут кийёфасидаги бош кийимида берилган. Бу хилдаги тангалар қадимги Хоразмнинг III асрнинг биринчи ярмига оид ёдгорликларида учрайди. Хоразм ёзуви, Хоразм подшолари Арсамух ва Вазамарлар тасвири туширилган мис ва кумуш тангаларнинг пайдо бўлиши III асрда қадимги Хоразмда қудратли Хоразм давлати бўлганлигидан гувоҳлик беради. Фикри-мизнинг далили сифатида Тупроққалъада олиб борилган археологик илмий изланишлар натижаларига мурожат қилайлик.

С. П. Толстов Жонбосқалъани «ҳайкалчалар музейи» деб атаган бўлса, Тупроққалъани эса «беҳисоб тангалар музейи» деб номлашни жоиз кўрди. Чунки у 1938 йилда биринчи бор Тупроққалъага келганида унинг устидан юзлаб кушонлар ва Хоразм подшоларига тегишли тангаларни териб олган экан. Тупроққалъадаги кенг кўламда олиб борилган археологик қазишмалар 1945 йилдан бошланди.

Тупроққалъанинг майдони 17,5 гектар бўлиб, у III-IV асрларга оид ноёб ёдгорлик ҳисобланади. Унинг 3' гектаридан ортиқроқ майдонини кўшк — Хоразм подшоларининг саройи—арки аъло эгаллаган. Подшо саройи кўшкнинг марказий қисмида жойлашган. Унинг майдони 80X80 м.

Саройга унинг шарқий томонидан, яъни сарой аъёнларининг қалин уй-жойларини оралаб ўтилади. Саройнинг деворлари ҳайкаллар билан безатилган бўлган. Саройга коридорсимон йўлак оркали аста-секин кўтарилиб борилган. Унинг деворлари эса тасвирий рангли суратлар билан безатилган. Суратлар асосан хушбичим дарахтлар тасвирида ишланган. Подшо саройи икки каватли монументал улкан бинодан иборат бўлиб, бизгача унинг пасгки кавати сақланган. Сарой хоналари ҳар хил мақсадлар учун мўлжаллаб қурилган. Масалан, подшолар залини олиб кўрайлик. Унинг майдони 280 м². Унинг атрофидаги девори остида супалар жойлашган. Супа устида Хоразм подшолари, уларнинг рафиқалари, яқинлари ва уларни ҳомийликка олган худолар сиймоси акс эттирилган ҳайкаллар қўйилган. Ҳамма ҳайкаллар лойдан ишланган. Улар қимматбаҳо либосларда бўлиб, кийимлар ранги ок, кўк, қизил, кора, оч қизил ва мовий осмон рангида берилган.

Саройнинг бошқа залларида ҳам ҳайкаллар бор. Улар одамлар, қушлар, ҳайвонлар тасвирини акс эттирган. Сарой мажмуида «албастровий зал», «ғалаба зали», «оҳулар зали», «раққосалар зали» бор. «Ғалаба зали»нинг деворларида ғалаба худоси Ника томонидан подшони тахтга ўтказиш маросими тасвирланган. «Албастровий зал»га кираверишда «Қора танли сипоҳийлар» зали жойлашган. Бу зал деворларидаги тахчаларда ўтирган ҳолатда ишланган подшо ҳайкаллари оралиғига совут кийган Қора танли гвардиячилар ҳайкалчалари ишланган. Хуллас, ҳар бир залга қўйилган шартли номлар уларнинг деворларига ишланган санъат асарлари мазмунидан келиб чиққан.

Сарой мажмуининг жанубий қисмида Хоразм подшоларининг аёллар хоналари жойлашган. Унинг шаркида курол-аслаҳалар мажмуи, жануби-

шарқий томонида—иккишчи каватда подшо архиви ўрин олган. Архив, сочилиб ётган ҳужжатларга кўра, 3 хонадан иборат бўлган. Подшо архивидан 100 га яқин ҳужжатлар топилди. Шундан 18 таси ёғочга, кўпчилиги терига ёзилган, уларнинг 8 таси яхши сақланган. 100 га яқин ҳужжатдан атиги 26 тасини ўқиш мумкин бўлди.

Тупроққалъа архивини икки гуруҳга бўлиш мумкин болди. Биринчи гуруҳ ҳужжатлар солиқ ишлари билан боғлиқ. Улар ёғочга ёзилган. Иккинчи гуруҳ ҳужжатлар терига ёзилганлари) хўжалик ҳужжатлари бўлиб, уларга подшо хазинасига тушган жарималарнинг номи, микдори ҳамда қаердан келганлиги ёзиб қўйилган.

Ёғочга ёзилган ҳужжатларда «қул», «хизматкор», ўғилнинг қуллари», «ўғилнинг хизматкорлари» каби сўзлар ёзилган. «Озод» сўзлари ҳам учрайди.

Хулоса қилиб айтганда, Тупроққалъа ҳақиқатан ноёб ёдгорлик бўлиб, у қадимги Хоразм давлатининг III—IV срлардаги пойтахти бўлган. Бу шаҳар антик давр шаҳар маданиятининг ёрқин тимсолидир. Тупроққалъа мажмуидан топилган бебаҳо археологик материаллар, турли номлар билан аталган заллар, давлат архиви, Хоразм подшолари ва уларнинг яқинларининг тасвири акс эттирилган ҳайкаллар, рангли деворий суратлар қадимги Хоразм давлатининг Урта Осиё халқлари тарихида тутган ўрн ва мавқеи, ибратли маданий дунёси ҳақида тўлиқ тасаввур қилишга ёрдам беради.

Юнон-Бақтрия давлати

Юнон-Бақтрия давлатининг ташкил топиши. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсати. Диодот II ва Евтидем можаролари. Евтидем ва Антиох III ўртасидаги уруш ва унинг натижалари. Юнон-Бақтрия давлати инқирозининг кучайиши. Маргиёна ва Сўғдиёнанинг Бақтрия тобелигидан кетиши. Евкратит ва Гелиокл даврида Бақтрия ва унинг кўчманчилар томонидан босиб олиниши. Юнон-Бақтрия давлатида иқтисодиёт ва маданият.¹¹

9. ¹¹ Толстов С. П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Т.: Фан. 1964.

10.

Милоддан аввалги III асрнинг ўрталарига келганда салавкийлар салтанатининг Ўрта Осиёдаги мавқеи бутунлай тушиб кетди. Салтанатнинг шарқни сатрапликлари марказий ҳокимиятга бўйсунтиришда бош тортиб, уларнинг ҳар бири мустақил сиёсат юргизишга интилдн. Айниқса, бу вазият Парфия ва Бактрия сатрапликларида кўзга яққол ташланар эди.

Милоддан аввалги 280 йилда сатрапликларнинг марказий ҳокимиятга нисбатан муҳолифатдаги ҳаракатлари бошланиб кетди. Милоддан аввалги III асрнинг ўрталарига келганда сатрапликлардан иккитаси — Парфия ва Бактрия салавкийлар тобелигидан ажралиб чиқди. Бу вақтда Бактрия сатрапи Диодот эди. Бактриянинг салавкийлардан ажралиб чиқиши, Страбоннинг фикрига қараганда, бу бактрияликларнинг марказий ҳокимиятга нисбатан исёни эди. Бактриянинг салавкийлардан ажралиб чиқишига Диодотдан ташқари, Евтидем ҳам аралашган. Евтидем худди ўша вақтда Сўғдиёна ҳокими бўлиб, у Диодотга тобе эди. Ўша кезларда Бактрияда салавкийларга қарши маҳаллий аҳоли кўзғолон кўтаради. Диодот эса бундан ўз фойдасига фойдалана олди. Ерли аҳоли кўзғолонига юнон-македон ҳокимлари раҳбарлик қилди. Бунинг боиси шундаки, юнон-македон князлари аҳолидан йиғиб олган жаримани марказий ҳокимиятнинг узлуксиз ошираётган ҳарбий харажатларини қоплаш учун юбориши керак эди. Халқни икки томонлама эксплуатация қилиш Бактриянинг эркин жамоаларини ҳокимиятга қарши янгидан-янги исёнлар кўтаришга мажбур қилди. Бактриянинг Салавкийлар давлати тобелигидан чиқиб мустақил сиёсат юритиши аҳолига ҳам қандайдир иқтисодий енгиллик келтирар ва ҳарбий мажбуриятлар бурчини ватандан узоқ-узоқларда ўташдан ҳоли қиларди. Шунинг учун Бактрияда салавкийларга қарши ҳаракат юнонларга қарши кураш даражасига ўсиб чиқмади.

Ўз мустақиллигига эришган Бактрия Диодот I даврида кудратли давлатга айланди. У аввал Салавка I томонида туриб, Парфияга қарши курашди. Лекин Аршак II даврига келиб, Бактриядаги вазият Парфия фойдасига ўзгарди. Аршак II Диодот II билан ҳарбий иттифоқ айти тузди.

Бироқ Диодот II Аршак II билан тузган ҳарбий иттифоқидан ўз мавқеини мустаҳкамлаб олишда фойдалана олмади. Унинг вилоят ҳокимларидан бири Сўғдиёна ҳокими юной Евтидем Бактрияда олий ҳокимият учун курашни бошлаб юборди. Икки орадаги жангларда у голиб чикди. Милоддан аввалги 212 йилда Евтидем Юнон-Бактрия давлатининг подшоси эди. У ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Бактрияда ўз мавқеини мустаҳкамлаш билан шуғулланди, мамлакатнинг чегара районларини мустаҳкамлашга эътибор берди. Чунки кутилмаганда сак-массагет кўчманчи қабилалари унга қарши ҳужумга ўтиши мумкин эди. У айниқса Парфия билан чегарадош районларга эътиборни кучайтирди. Чунки Парфия томондан хавф бўлиш эҳтимоли бор эди. Милоддан аввалги 208 йилга келганда Парфия подшоси Антиох III Евтидемга — Юнон-Бактрияга қарши ҳужум бошлади.

Евтидем ва Антиох III ларнинг қўшинлари Тежен бўйларида тўқнашди. Қаттиқ жанглардан сўнг Евтидемнинг 10 минг кишилик отлик армияси тормор келтирилди. Унинг ўзи қолган жангчилари билан Бактрия ҳарбий қалъасига яширинди.

Бақтра шаҳри кучли истехкомга эга эди. Уни Антиох III икки йил давомида камал ҳолатда сақлайди. Бироқ,

Бақтра таслим бўлмади. Шундан сўнг Антиох ва Евтидем ўртасида тинчлик музокаралари бошланди. Евтидем тинчлик шартномаси асосида Антиох III ни Бактрия подшоси деб тан олишга мажбур бўлди. Милоддан аввалги 206 йилда тузилган ёзма шартномага кўра, Евтидемда подшолик унвони сақланиб қолди. Аммо у Антиох III га бир неча жанговар филлар бериш ва ташқи сиёсатда у билан бамаслаҳат иш тутиш мажбуриятини олди. Антиох III Евтидем ҳимоясида Ҳиндистонга қўшин тортди. Бундан мақсад Салавкийлар давлатининг шарқий вилоятларини ўзига тобе этиш эди. Бироқ Ўрта Осиё салавкийлар учун абадий йўқотилган эди.

Милоддан аввалги 206 йилдан бошлаб Юнон-Бактрия давлати учун салавкийлар томонидан энди ҳеч қандай хавф йўқ эди. Чунки Антиох III

ғарбда Сурия учун мисрликлар билан жанг киларди. Аммо шимолдан сак-массагетларнинг хавфи бор эди. Бу кўркув Евтидемни ўз давлат чегараларини кенгайтиришга интилиш касалидан холи килди.

Евтидем давлати таркибига Бактрия, Сўғд, Арея ва Марғиёна қарар эди. Булар Ўрта Осиёнинг серунум ерлари ва шаҳарларига бой вилоятлар бўлиб, бу вилоятларда хунармандчилик кенг тармок бўйлаб ривожланган, дехдончилик маданияти бутунлай сунъий суғоришга асосланган эди. Бу вилоятларнинг чўлли зоналарида чорвачилик тарацкий этган. Евтидем ўз давлатининг ҳудудий чегарасини кенгайтириги мақсадида Ҳиндистон томон ҳарбий юриш килишни режалаштирди. Лекин бу режа Евтидемнинг ўғли Деметрий (милоддан аввалги 199—167 йнлар) даврида амалга ошди. Ҳиндистондаги феодал бебошликлар Деметрийга кўл келди. У ички сиёсатда Искандар ва Антиох I ларнинг йўлидан бориб, ерли асилзодалар билан тил топган эди.

Деметрий даврнда Бактриянинг ҳудуди кенгайиб ҳар жихатдан юксалди. Унинг номи билан кўплаб жойларда тангалар зарб этилди. Давлатни бошқариш борасида ислохот ўтказилади. Бунга кўра давлатни майда ҳокимликларга бўлиб бошқариш жорий этилади. Деметрий маҳаллий асилзода вакиллари билан давлатни бошқариш ишига тортади. Ҳарбий истехкомлар — қалъалар қуришга катта эътибор берилади. Деметрий замонасида қурилган шаҳарлардан бири Амударё соҳилида қад кўтарган Термиз шаҳри эди. Бу шаҳар Юнон-Бактрия давлатини, айниқса, унинг Ҳиндистон ўлкасининг шимолий вилоятлари билан иқтисодий ва савдо алоқаларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнади.¹²

Ҳиндистон бир қисмининг босиб олиниши муносабати билан Деметрий давлатининг маркази жанубга — Таксилага кўчирилади. Кейинчалик давлатнинг шимолий қисмида, хусусан, Юнон-Бадтрияда маҳаллий ҳокимлар орасида ўзаро низолар келиб чиқади. Натижада милоддан аввалги 174 йилда

11. ¹² Ставиский Б.Я. Кушанская Бактерия: проблемы истории культуры. М., 1977

12.

Бактрияда давлат тўнтариши содир бўлади. У ерда юнон ҳарбий кўмондони Евкратит бошчилигида Деметрийга қарши қўзғолон кўтарилади. Бу вақтда Деметрий Ҳиндистонда эди. У бу хабарни эшитиб, тезда Бактрияга қайтади ва Евкратит аскарлари билан жангга киради. Бироқ бу жанг Деметрийнинг ўлими билан тугайди. Шундай қилиб, ҳокимият милoddан аввалги 167 нилда Евкратит қўлига ўтади. Шимоли-Шарқий Ҳиндистонда ҳокимият Менандрага насиб этади. Ҳиндистоннинг жануби-ғарбий вилоятларида Аполлодот ўзини подшо деб эълон қилади ва унинг номидан танга пуллар зарб этилади. Евкратит қанча уринмасин, Бактрияда тинчликни сақлай олмайди. У Ҳиндистон ерлари учун қанча курашмасин, ахволи танг эди. Юнон-Бактрия давлатига ғарбда Парфия ҳам хавф туғдирмоқда эди. Худди шу йилларда Парфияда ҳокимият тепасига Митридат I келади. Унинг кўшинлари қисқа муддат ичида ҳеч қандай қийинчиликларсиз Марғиёни эгаллайди. Бу вазият Бактриянинг узил-кесил сиёсий майдондан чет-лашаётганлигидан дарак берар эди. Бу эса Сўғдиёнага, унинг қисқа вақт ичида Юнон-Бактрия подшолиги тасарруфидан чиқиб кетишига қулайлик келтирган.

Бу сиёсий вазиятдан гувоҳлик берувчи материаллар Зарафшон воҳасида олиб борилган археологик қазилма ишлари якунида яққол қўзга ташланади. Масалан, милoddан аввалги II асрнинг 80-йилларидан бошлаб Зарафшон воҳасида Евтидем зарб этган тангаларга тақлид қилинган мис пуллар пайдо бўлади. Бу тангаларга номалум ҳокимларнинг суратлари солинган ва орамий алфавити асосидаги сўғд ёзувида номлари битилган. Тангаларнинг иккинчи юзида худо Гераклнинг ўтирган ҳолда солинган расми ва Евтидемнинг номи саводсизларча юнон хатида ёзилган. Бу тангалар Зарафшон воҳасида қандайдир маҳаллий ҳокимларнинг мустақамликка интилганлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, кўп вақт ўтман Сўғдиёна Юнон-Бактрия давлатидан узил-кесил ажралиб чиқади. Парфия Марғиёни тўртиб олгач, унинг сиёсий майдондаги мавқеи яна ҳам пасайди. Энди Юнон-Бактрия давлати учун шимолдан кўчманчилар хавфи пайдо бўлди.

Юнон-Бактрия давлатидаги бу аҳвол ички сиёсний тангликни кучайтирди, қўшинлар орасида норозиликнинг келиб чиқишига олиб келди. Натижада милoddан аввалги 155 йилда Юнон-Бактрия давлатининг подшоси Евкратит ўғли Гелиокл томонидан ўлдирилади. Аммо ўз отаси жонига қасд цилган Гелиокл Юнов-Бактрия давлатининг қудратини сақлаб қола олмади, унинг қўлида фақат Бактрия ҳудуди қолди, холос. Унинг катта ҳудудини Парфия босиб олди ва у Шарқда антик дунёнинг жаҳон аҳамиятига молик йирик империясига айланди. Бактрия Гелиокл даврида ўз мустақиллигини узоқ саклай олмади. Шимолдан юэчжи қабилалари бу ҳудудга ёпирилиб кела бошлайдилар. Милoddан аввалги 141 ва 128 йнллар ўр-тасида Юнон-Бактрия давлатининг тақдири узил-кесил ҳал бўлади. Антик оламнинг Шарқдаги буюк давлаг и бўлган Юнон-Бактрия юэчжи қабилалари томонидан босиб олинади.

Юоон-Бактрия Шарқнинг йирик давлати сифатида 120 йилдан ортик вақт яшади. Шу давр ичида уиинг иқтисодиёти ва маданияти кенг риioжланди. Буиинг учун бу ўлкада ҳамма шарт-шарoит мавжуд эди. Масалан, Рим тарихчиси ва географи Квин Курций Руф Бактрияни табиати ҳар хил, унумдор ерлари кўп, серсув, экинзорларга бой мамлакат деб таърифлайди. Аҳолиси кўп, улар буғдой ва арпани кўп экади, узумзор боғларга бурканган. Бу ерда меваларнинг барча турлари ўсади. Ҳайвон боқишга қулай, йилқиси кўп, чопар отларга бой мамлакат. Шунипг билан бирга унинг ҳудудида қумлоқ ва экин битмайдиган ерлар мамлакатнинг катта қисмиини ташкил этади, дейди олим. Плиний уни унумдор ерларга, буғдой экинзорларига бой мамлакат, у ерда шоли ва деҳқончиликни катор бошқа соҳалари юксак ривожлангап, деб хабар беради. Антик давр тарихчи ва географлари шунга яқин таърифда Сўғдиёнани ҳам эслаб ўтадилар.¹³ Сўғдиёнанинг Бактрияга нисбатан чўл зонаси кўпроқ бўлсада, аммо у ерда аҳоли зич жойлашган, унумдор экинзорлар, боғу роғлар кўп бўлган, у

13. ¹³ Толстов С.П. По делам древне хорезмийской цивилизации. М. 1948

14.

Зарафшондан сув ичган. Муаллифлар Сўғдиёна ерларининг Зарафшондан олинган каналлар орқали суғорилиши ҳақида ёздилар. Улар Юнон-Бактрия давлатига тегишли Марғиёна ҳақида эслаб, у ерда суғорма деҳқончилик кенг ривожланганлигини, мамлакатнинг ҳосилдор боғларга ва унумдор бошоқли экинзорларга бурканганлигини таъкидлайдилар. Страбоннинг ёзишича, Марғиёна узумларининг занглари жуда йўғон, шохлари эса жуда узун бўлган.

Дарҳақиқат, Юнон-Бактрия давлатининг асосини ташкил этган Бактрия, Сўғдиёна, Марғиёна иқтисодий жиҳатдан ўзига тўқ, шаҳарларга сероб, табиий бойликлари мўл ва экологик қулайликларга эга ўлкалар эди. Шунинг учун ҳам бу вилоятларда деҳқончилик маданияти сунъий суғоришга асосланган, бошоқли экинлардан шоли, буғдой, тарик, арпа кабилар кўп экилган.

Кейинги 30—40 йил ичида бу вилоятларда ўнлаб ўша даврларга оид ёдгорликлар очиб ўрганилди. Масалан, Бактриянинг Афғонистон қисмида Беграм, Бактра, Ойхонум, Далварзин каби оламга машҳур қадимги шаҳар қолдиқлари, унинг Тожикистон қисмида Кобадшоҳ, Кайқобод, Кўҳна Калъа ва бошқалар, Ўзбекистон қисмида Далварзинтепа, Дунётепа, Ҳайитободтепа, Жондавлаттепа каби қадимги шаҳар харобалари очиб ўрганилган.

Сўғдиёнада Ерқўрғон, Афросиёб, кали Барзу каби ёдгорликларнинг шу даврга оид маданий қатламлари, Марғиёнада Говурқалъа каби қадимги шаҳар қолдиқлари ўрганилди. Бу ёдгорликларда мунтазам равишда ўтказилган археологик қазилмалар туфайли Юнон-Бактрия давлати даврида (милоддан аввалги III—II асрларда) деҳқончилик ва чорвачиликдан ташқари кўп тармоқли ҳунармандчилик ҳўжалиги ҳам кенг тараққий этганлиги ҳақида жуда бой ашёвий далилларга эгамиз.

Ҳунармандчиликнинг кулолчилик соҳасини оладиган бўлсак, бу даврда бобокалонларимиз кулолчиликда антик оламда тенги йўқ усталар эди. Бактрия, Марғиёна ва Сўғдиёна кулоллари юксак санъат даражасига кўтарилган сопол идишлар ясай билганлар. Уй-жойлар, шохона саройлар,

ибодатхоналар ҳамда мудофаа иишоотлари куришда бу ўлкалар халқи антик давр оламида юксалишнинг юқори нуктасига кўтарилган.

Бактрия ва Сўғд ёзуви бу даврда ташкил топди ва ривожланди. Ҳокимларнинг суратлари битилган танга пуллар кўплаб зарб этилди. Тасвирий санъат, амалий санъат, меъморий санъат бобида, заргарлик санъаги соҳасида бу даврда катта ютуқларга эришилди. Масалан, 1939—1940 йилларда Бактриянинг қадимги Бегром шаҳрини қазиш вақтида фил суягига ишланган санъат асарлари топилди. Улар юксак маҳорат билан ишланган. 1978—1979 йилларда Тиллатепани қазиш вақтида (Жанубий Бактрия) 25 минг данадан ортиқ олтиндан ишланган санъат асари топилди. Уларнинг деярли кўпчилиги Юнон-Бактрия даврига оид эди. 1972 йилда Далварзинтепани қазиш вақтида 34 кг оғирликда тилладан ишланган 115 дана санъат асарлари топилди. Бу даврда тошга ишлов бериш санъати ҳам замонанинг тенги йўқ соҳаларидан бири эди. Антик муаллифлар Бактрияни юксак ривожланган 1000 шаҳарли мамлакат, деб таърифлаганлар¹⁴

Бу давр мафкураси ҳақида гап кетганда шуни айтиш керакки, аҳоли асосан зардуштийлик динида бўлган. Маҳаллий диний тасаввурлар юнон мифологияси образлари билан чатишиб кетган.

Хуллас Юнон-Бактрия даврида моддий ва маънавий маданият узининг юксак даражасига кўтарилган. Бу юксаклик ҳаётнинг барча жабҳаларида намоиш этилди. Маҳаллий аҳолининг анъанавий маданияти ва санъати ўзига хос ривожланишда давом этиб шу билан бирга юнон дунёсида (эллинизм) кўзга ташланган юксак меъморчилик санатининг ибратли томонларини ўзига сингдирди. Бу юксалиш кушонлар салтанати замонасига келиб юксак ривожланишда давом этди.

15. ¹⁴ Сагдуллаев А. Усадьбы древней Бактрии. Ташкент. 1987

16.

ҚАНҒ ВА ДОВОН ДАВЛАТЛАРИГА ОИД ЁДГОРЛИКЛАР

Қанғ давлатининг ташкил топиши. Унинг сиёсий, иқтисодий ҳаёти, маданияти, этник таркиби. Қанғ давлатининг этник асоси. Қанғарларнинг бошқа давлат ва халқлар билан алоқалари.

Сирдарёнинг ўрта оқимларида, ҳозирги Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳамда Жанубий Қозоғистон ерларида яшовчи қадимги сак қабилаларининг македониялик Искандар қўшинлари ва славкийларга қарши курашлари жараёнида милoddан аввалги III асрда ярим ўтrock Қанғ давлати ташкил топди. Бу давлат халқининг асосини шу ерда яшовчи туб ерли аҳоли, бир қанча қўчманчи ва ярим қўчманчи қабилалар ташкил этган.

Ўрта Осиё халқлари тарихида, жумладан, ўзбек халқи тарихида Қанғ давлатининг аҳамияти жуда катта. Бу заминда яшовчи қадимги эрон тилида сўзлашувчи туб ерли халқлар Жанубий Сибирь, Олтой, Шарқий Туркистон, Ёттисув вилоятларида яшовчи туркий тилда сўзлашувчи қабилалар билан яқинлашади. Натижада милoddан аввалги II—I асрларда Сирдарёнинг ўрта оқимлари районларида туркий тилда сўзлашувчи янги этнос вужудга кела бошлайди. Милодий эранинг бошларида бу янги этнос сон жиҳатидан қўпайиб, қўпгина вилоятларда ўз устунгини таъминлайди ва улар алоҳида қанғар элати бўлиб шаклланади. Ана шу элат бирлиги асосида таркиб топган Қанғ давлати ўзбек халқи тарихида роса 7 аср яшади. Қанғ давлатининг емирилиши билан (V аср ўрталарида) унинг таркибидаги элат ва қабилалар тарқалиб кетади, унинг ўрнида янги сиёсий уюшмалар ва этник birlikлар

вужудга келади. Ана шундай сйёсий уюшмалардан бири илк ўрта асрларда Сирдарёнинг ўрта ва қуйи окимларида таркиб топиб, икки аср давомида кадимий этник номни сақлаб қолган қанғарлар қабила иттифоқи эди. Кейинчалик парчаланиб кетган қанғарлар Кабила иттифоқининг авлодлари қанғилилар номи билан ўзбек халқи таркибида сингиб кетган. Қанғ давлати ва унинг халқи қанғарлар ҳақида маълумотлар Хитой манбаларида, «Авесто»да ва баъзи бир юнон муаялифлари асарларида учрайди. Аммо бу маълумотлар жуда қисқа.

Птолемейнинг маълумотларида Сирдарё яқинида, унинг урта қисмида яшовчи қабила «қандар» деб аталган. Хитой манбаларида еса қангуй (қансуй) деб аталган. Хитой тарихчиси Сима Цянь ўз хотираларида қанғуйларнинг жойлашиши, харбий кучи, урф-одати, уларга қўшни халқлар ҳақида қисқача маълумот беради. Қангуйлар ҳақида батафсил маълумот Хитой тарихчиси Бан Гу асарида ва бошқа хитой муаллифларининг асарларида берилган.

Қангуйларнинг ҳўжалиги, маданияти ва турмуш тарзи ҳақида археологларимизнинг Ковупчп маданиятига оид ёдгорликларда олиб борган илмий-тадқиқот ишлари алоҳида етиборга лойик. Қангуй давлати ва унинг маданияти ҳақида яқин кунларгача С. П. Толстов фикрига суянган ҳолда Ўзбекистон тарихида нотўғрй фикр ҳукмрон болиб келди. Аммо кейинги йилларда Тошкент воҳаси ва жанубий Қозоғистонда олиб борилган археологик казишмалар Қанғуй давлатининг жойлашган ҳудуди ҳақида тарихий ҳақиқатни рўёбга чиқарди. Бу масалада Я. Г. Ғуломов, С. Г. Кляшторний, Б. А. Литвинский, Ю. Ф. Буряков, К. Ш Шониёзов, М. И. Филановичлар ката иш қилдилар. Птолемейда «қандар» (қанғар), <<авесто>>да «қанха», Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида турлар деб номланган қабила аслида саклар эди. тур подшоларийнинг бош шаҳри Қангдиз ҳисобланган Қангдиз — ҳозирги Тошкент вилоятнинг Оккўргон туманда жойлашган Қанка шаҳар харобасидир. Хитой манбаларида қанғарларда давлат бўлганлиги асосан милoddан аввалги III аср охири ва II аср бошларига

тўғри келади. Академик Я. Ғ. Ғуломовнинг фикрича, Канг давлати милоддан аввалги IV аср охири ва III аср бошларида ташкил топган. Бу даврда Урта Осиёнинг шимолий вилоятларида яшовчи сакларга Искандарга, сўнгра саваккийларга қарши уюшган қўшин билан курашиш учун мунтазам ҳарбий кучга эга бўлган давлат зарур бўлиб қолган. Вужудга келган Канг давлати ўша талабларга тола жавоб берадиган йирик давлатлардан эди.

Қадимги манбаларда Канг давлатининг қандай идора қилинганлиги, давлат тузилиши қандай бўлганлиги тўғрисида маълумотлар етиб келмаган. Аммо фақат бир марта тўнғич Хань сулоласи тарихида (милоддан аввалги II—I асрларга оид) Канғуй подшоси ўз оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб иш тутиши ҳақида эслаб ўтилади, Осиёча қулдорлик жамияти шароитида ташкил топган Канг давлатида олий кенгаш муҳим роль ўйнаган. Давлат кенгашида қабила бошлиқлари, ҳарбий саркардалар фаол қатнашиб, муҳим давлат аҳамиятига молик масалалар ҳал этилган. Подшо ҳокимияти маслаҳат мажлиси билан ҳамнафасликда иш юритган. Бу ҳолат ҳарбий демократия принциплари асосида ташкил топган давлат тизими эди. Канг давлатига қарашли ерлар бир неча вилоятларга бўлинган. Уларни бошқарган бошлиқлар жобгу, ёки ёбғулар деб аталган. Канг ҳоконлари мамлакатни ана шу жобғуларга таяниб бошқарар экан, улар, одатда, ҳоконларга яқин кишилардан, уларнинг қавм-қариндошларидан, йирик уруғ-қабила бошлиқларидан тайинлангак, Цанг давлатига тобе вилоятларни бошқариш иши малакалий ҳокимлар қўлида бўлиб, улар марказий ҳокимиятга бож тўлаб турган. Ана шундай тобе вилоятларга қадимги Хоразм, Сўғд ерлари, Урол тоғолди районлари (алан ва ян қабилалари) кирган.

Қадимги манбаларда Канг давлатининг чегараси аниқ кўрсатилмаган. Аммо Хитой элчиси Чжан Цянь берган маълумотдан бу муаммонинг ечимини топиш мумкин.¹⁵ Масалан, милоддан аввалги II асрда Канг давлати қадимги Фарғонанинг шимоли-ғарбида бўлганлиги эслатиб ўтилади, яъни

4. ¹⁵ Шониёзов К. Қанг давлати ва қанғлар. -Т.: Фан, 1990.-167 б.

«Канғуй Даван билан чегарадош», дейилган. I—III асрларга оид кичик Хань сулоласи тарихида эса Шарқий Туркистон вилояти шимолда «канғуйлар билан чегарадош» дейилган. Уша тарихнинг бошқа бир жойида «Буюк ипак йўли» ҳақида гап кетиб, бу йўл аввал Давандан, сўнгра Канғуйдан ўтиб, Янцай (аланлар) ерига боради, дейилган. Канг давлатининг асосий ерлари Тошкент воҳаси, Талас водийси, Чу дарёсининг қуйи оқимлари ундан то Сарисув дарёсигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олган. Канг давлатининг пойтахти 2 та эди. Олимлар Канг давлатининг кишки пойтахти сифатида Битьянь (Канғдиз) — ҳозирги Канқа шаҳар харобаси эканлигини аниқладилар. Канқа шаҳар харобасининг умумий майдони 150 гектар бўлиб, унинг атрофи қалин мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Канқанинг турли жойларида, ўтказилган археологик қазишмалар шаҳарга милودдаш аввалги III асрда асос солинганлигидан далолат беради.

Канқа антик даврда кушонлар замонасида, айниқса иля ўрта асрларда гуллаб яшнаган. Бу ердан арки ало (ўрда), шаҳар ибодатхонаси, савдо ва хунармандчилик мавзелари, Шаҳар йўллари, майдонлар, ховузларнинг ўрни топиб ўрганилди. V асрга оид Шош маликларининг расми туширилган тангалар топилди. Канг давлати парчаланиб кетгач, Канқа (Канғдиз) Шош давлатининг пойтахтига айланди. Канг давлатининг ёзги пойтахти манбаларда еслатиб ўтилган Тарбанд (ҳозирги Ўтрор шаҳри харобаси) шаҳри эди. Тарбанд топоними VIII асрга оид туркий тош ёзувида «Канғу-Тарбанд» деб эслатилади. Тарбанд (Утрор) Канг давлати парчаланиб кетгач (V аср урталарида) Шош давлатининг таркибига кирган.

Шундай қилиб, Канг давлатининг иккита маркази бўлган. Улардан бири, Канқа (Канғдиз) бўлиб, у Тошкент Воҳасида, Сирдарёга яқин ерда жойлашган. Бу шаҳар милoddан аввалги III асрда бунёд этилган бўлиб, у Канг подшоларининг доимий қароргоҳи бўлган. Арис дарёсининг қуйи оқимида жойлашган Ўтрор (Тарбанд) эса Канг давлати хоқонларининг ёзги қароргоҳи бўлган. Қадимги салномаларда қанғарларга қарашли 5 та вилоят тилга олинади. Улар Сусие, Фуму, Юни, Ги, Юегянь вилоятлари

бўлиб, бу номлар Хитой тарихчилари томондан берилган номлардир. Аслида маҳаллий халқ уз юртларини ҳеч қачон бундай деб атамаган. Тарихий жойлар ва шаҳарлар номларини хитойлаштириш хансуларга хос улуғ Хитой шовинизмининг асосий мақсади эди. Афсуски, маҳаллий номлар кўп ҳолларда бизгача етиб келмаган. Улар ҳақидаги маълумотлар хитойча ном билан Хитой манбаларида учрайди, ҳолос.

Кангуй давлати милоддан аввалги II асрнинг охири ва I асрнинг бошига келганда буюк давлат бўлиб, у Хитойга нисбатан мураккаб сиёсат юргизар эди. Милоддан аввалги 101 йилда Кангуй Хитой-Фарғона можароларига аралашади, яъни Хитой Фарғонага уруш очиб, унинг пойтахти Эрши шаҳрини қамал қилади. Кангуй давлати фарғоналиклар томонда туриб, Хитойга дипломатик тазйик ўтказади. Хитой узок давом этган Эрши қамали натижа бермагач, мудофаачилар олдига қатор талаблар қўяди ва уларнинг талаби қондирилган тақдирда Эрши қамалини тўхтатишни айтади. Хитойликлар ўз мақсадларига эришиб Фарғонадан учар арғумоклар олиб кетадилар.

Милоддан аввалги I асрда Кангуй давлатининг ҳарбий-сиёсий кучи сезиларли даражада қудратли бўлишига қарамай жамият тараккиётининг ҳар хил даражасида турган кўчманчи ва ярим ўтrock аҳолининг уюшмаси эди. Давлат тепасида кўчманчи қабилалар вакиллари турарди. Худди шу даврда қадимги Хоразм ва Сўғдиёнада кундалик ҳаётнинг барча жабҳаларида юксалиш содир бўлмокда эди ва улар ўз тангаларини зарб этардилар. Сўғдда пул-товар муносабатлари юксак ривожланишда бўлиб, тангаларда сўғд мафкура дунёсининг аслини куриш мумкин эди. Хоразмда эса «номсиз подшо»ларнинг тангалари кўп бўлиб, уларда Хоразм ҳукмдорининг боши ва юнон ғалаба худоси Никанинг тасвири туширилган, Танганинг бошқа юзида худо ёки подшонинг от устида турган расми солинган.¹⁶

¹⁶ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Тошкент: Шарқ, 2001.

Хитой тарихчиси Сима Цянь қанғилилар ҳақида фикр юритиб, «улар урф-одатлари бўйича юэ-чжиларга ўхшаб кетади», деб ёзади. Хитой элчиси Канг давлатига келганда саройда ҳар хил давлат ва вилоятлардан келган элчилар шарафига қабул маросими уюштирилади. Унда улугъ Хитой императорининг элчиларига пайгакроқдан жой кўрсатилади. Бу эса Хитой элчиси шаънига ҳақоратдай туюлиб, у ўз императорига ёзган хатида Канг давлати ҳақида шундай хабар берган: «Канғуй мағрур ва кўрс. У бизнинг элчиларамиз олдида таъзим қилишни эп кўрмади ва бутун феъл-атвори билан бизни кўпгина давлат элчиларидан, ҳатто усунлардан ҳам қуйига ўтказди».

Канг давлати аҳолиси қанғарлар ўз қўшнилари билан яқиндан алоқада бўлганлар. Уларнинг шимолий, шимоли-шарқий ва жанубий қўшнилари юэ-чжилар, тохарлар, саклар, асианлар, хунлар, усунлар бўлганлар. Бу қабилаларнинг бир қисми Шарқий Эрон тиллари лаҳжаларида гаплашсалар, бошқалари туркий тилда сўзлашган. Бу халқлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар уларни бир-бирларига яқинлашиш жараёнини тезлаштирган, Натижада Эрон тилларида гаплашадиган қанғар юртида қадимги хун ва усун қабилалари таъсирида туркий тил муҳити ҳукмрон бўлиб қолди, қанғарлар эса батамом тил жиҳатидан турклашиб кетдилар.

Милоддан аввалги I аср ўрталарида тунғич Хань сулоласига мансуб Хитой императорлари Буюк ипак йўлининг барча бўғинларида ўз ҳукмронлигини таъминлаш мақсадида аввало хунларни, сўнгра усунларни ўзига бўйсундириш йўлида сиёсат юргиздилар. Милоддан аввалги 59-йилга келиб улар Тяньшань орқали ўтган «Шимолий йўл»нинг Ёркентгача бўлган қисмини эгаллайдилар. Худди шу кезларда усун ва хун муносабатлари кескинлашади. Хитой усунларни ўзига иттифок, қилади. Қанғарлар эса хунлар билан Иттифокда бўлиб, усунлар устига қўшИн тортиб боради.¹⁷

17. ¹⁷ Ставиский Б.Я. Кушанская Бактерия: проблемы истории культуры. М., 1977

Уша кезларда ХИтой-Қанғуй муносабатлари ҳам яхши эмас эди. Бу адоват милoddан аввалги II —I аср бошларида бошланган. Хитойликлар усунлар билан тил топгач, канғарларни босиб олиш мақсадида (чунки шимолий ипак йўли Канғ давлати ҳудудидан ўтар эди) I милoddан аввалги 104 йилда Даванга қўшин киритади.¹⁸ Икки йилдан сўнг Хитой 60 минг кишилик Қўшйн билан кадимги Фарғонага иккинчи марта юриш қилади. Фарғоналиклар қанғарларга чопар юбориб, улари бу воқеалардан хабардор қиладилар. Ёрдамга отланган канғар қўшинлари ҳадидаги хабар хитойликларни Фарғонани таслим қила олмай, уни ташлаб кетишга мажбур этади. Бу уруш Хитойга қимматга тушади. Ҳарбий юришга отланган 60 минг жангчидан атиги 10 минг киши, 30 минг отдан фақат бир мингга яқини қайтади. Милoddан аввалги 65 йилги Ёркент қўзғолончиларига ҳам қанғарлар ёрдам қиладилар. Кейинроқ, қанғарлар ва хунлар ўртасидаги дўстлик иттифоқига зил кетади. Бунга хун ҳукмдорининг парфияликлар билан дўстлик аҳдини тузиши сабаб бўлади. Чунки қанғарлар билан парфияликлар ўртасидаги алоқа ёмон эди. Натижада хунлар қанғарларнинг ашаддий душманига айланади. Энди қанғарлар Хитойга яқинлашиш йўлини ахтаради. Аммо Канғуйга келган Хитой элчисига булган муносабатни эслаб, Хитой сиёсатдонлари Хитой-Қанғ ўртасида дўстлик алоқаларини тиклашга йўл қўймайдилар. Ҳатто улар қанғарларнинг хунлар билан иттифоқини ҳам бузадилар.

Хптои императорларининг қанғарларга нисбатан ташки сиёсатининг моҳияти уларнинг халқаро мавқеини заифлаштиришдан иборат эди. Буни яхши тушунган қанғар асилзодалари хитойликларнинг босқинчилик ташки сиёсатига доимо қарши бўлдилар. Милодий асрнинг 80-йилларида Хитой қўшинлари Канғ ва Даванни эгаллаш учун юриш бошлайди. Даванликлар Канғ подшоларига ёрдам сўраб мурожат қиладилар. Канғ кучлари душманни Кашғарда кутиб олиб, орада қаттиқ, жанглар бўлади. Жангда қанғарларнинг

19. ¹⁸ Ғуломов Я.Ғ. Қадимги маданиятимиз илдизлари. Т.: Фан.

кўли баланд келади. Саросимага тушган Хитой дарҳол ёрдам сўраб кушонларга чопар юборади. Худди шу кезларда қанғарлар кушонларга хирож тўлар эдилар. Ушбу можарога кушонлар аралашгач, қанғарлар Кашғарни ташлаб чиқиб кетадилар. Хитой эса шармандаликдан қутулиб қолади.

I асрда қанғарлар Бухоро ва Хоразмни эгаллайди. Аммо бу вилоятлар тезда Канг давлати таъсиридаи чиқиб, Кушон салтанати таркибига ўтади. Фарбда эса қанғарлар Парфиянинг кучсизлигидан фойдаланиб, алаш ерларипи эгаллайди.

Канг давлатининг иқтисодий ҳаётига келсак, Хитой тарихчиси Сима Цянь (милоддан аввалги II аср) унинг кўчманчи мамлакат бўлганлигини ёзади. Аммо милодий эранинг бошларига оид тўнғич Хань сулоласининг тарихида қанғуларнинг ўтроқ халқ эканлигига ишора қилинади. Қанғуларда қорамол ва қўйлар кўп бўлган. Улар зотли отларни кўплаб етиштирганлар. Чорва молларининг кўпчилиги Канг подшолари ва унинг яқинларига караган. Шунинг учун бўлса керак, ҳокон ва унинг уруглари баҳор келиши билан қишки қароргоҳдан ёзги қароргоҳга кўчган. Чорваси кам бўлган аҳоли эса воҳадан чиқиб кета олмаган. Улар деҳқончилик ва қунармандчилик билан шуғулланишга мажбур бўлишган. Бу вазият қанғарларнинг камбағал қисмини ўтроқ, ярим утроқ хужалик юритишга мажбур этган. Бу масалада Ковунчи маданияти ва Жети асар маданиятига тегишли едгорликларда ўтказилган археологик изланишлар муҳим аҳамият касб этади.

Фарғона водийсининг қадимги тарихи ҳақида гап кетганда, одатда, унинг милоддан аввалги VII—VI асрлардан то милодий эранинг V асрига қадар бўлган давр тарихини кўз ўнгимизга келтирамиз. Чунки ундан аввалги давр қадимги Фарғона тарихида ибтидоий жамоа тузуми ва V асрдан бошлаб эса унинг феодал даври тарихи бошланади. Фарғонанинг қадимги давр тарихи қулдорлик даврига тўғри келади. Аммо бугунги кунда қадимги Фарғона ҳақидаги археологик ва тарихий манбалар бу заминда қулдорлик тузуми қандай даражада бўлганлиги ҳақида фикр юритишга етарли маълумот

бермайди. Бу давр тарихида ижтимоий-сиёсий ҳаётда эркин жамоа хўжалиги жамият ривожига асосий қатламни ташкил этарди.

Қадимги Фарғонанинг ана шу давр тарихида, Хитой манбаларига кўра, Довон давлати бўлган. Аммо бу давлатнинг қайси асрда пайдо бўлганлиги, қачон инқирозга юз тутиб тарих саҳнасидан тушганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Фақат унинг милоддан аввалги II—I асрларда қудратли Довон давлат уюшмаси бўлганлиги ҳақида қисқа маълумот сақланган, холос. Милоддан аввалги VI—IV асрларда Ўрта Осиёнинг Бактрия, Парфия, Марғиёна, Сўғд, Хоразм каби қадимги деҳқончилик ўлкалари Эрон аҳамонийларига тобе бўлиб, у буюк империя таркибида бўлган чоғларда қадимги Фарғона бундай тобеликдан озод эди. Милоддан аввалги IV асрда бу давлат Хоразм давлати сингари македониялик Искандарга ҳам тобе бўлмаган. Қадимги Фарғонанинг Салавкийлар давлати таркибида бўлганлиги ҳақида ҳам ҳеч қандай маълумот учрамайди. Демак, Фарғона қадимги даврда аҳамонийлар ва юнонлар ҳукмронлиги даврида сиёсий эркини ўз қўлида сақлаб қолган. Юнон муаллифлари фақат салавкийларнинг лашкарбошиси Демодам милоддан аввалги 280 йилда Яксарт (Сирдарё)дан ўтиб юнон худоси Апполон шанига меҳроб (оловхона) ўрнатди, дегаи хабарни қолдирган. Юнон Бактрия подшоларидан бирининг Шаркий Туркистонга Фарғона оркали бир марта кўшин тортиб борганлиги ҳақида ҳам антик тарихчилар маълумот қолдирганлар. Юкорида баён этилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқадиган бўлсак, қадимги Фарғона давлати — Довон милоддан аввалги II асрда эмас, балки анча аввал, III ёки IV асрлардаёқ Ўрта Осиё тарихида шаклланган давлат сифатида мавжуд эди. У қадимда Паркан деб аталган. Унинг Довон номи еса хитойлар томонидан берилган номдир.¹⁹ Хитой манбаларида ёзилишича, милоддан аввалги II — I асрларда Довон аҳолиси кўп, деҳқончилик ва ҳунармандчилик хўжаликлари юксак ривожланган, шаҳарларга бой ва кучли қўшинга эга мамлакат бўлган. Бу

21. ¹⁹ Шониёзов К. Қанг давлати ва қанглилар. Т., 1990.

22.

тариф, дарҳақиқат, бой археологик материаллар асосида ҳам тасдиқланган. Бу давр қадимги Фарғона тарихида Шўрабашад босқичи деб ҳам юритилади. Шўрабашад Ўзган шаҳри яқинида жойлашган бўлиб, водийнинг йирик шаҳарларидан биридир, унинг майдови 70 гектарга тенг.

Милоддан аввалги II асрда, яни Хитой элчиси Чжя Сян бу юртга келган даврларда қадимги Фарғонада кучли сиёсий давлат тизими шаклланган эди. Подшолик тепасйда маҳаллий аҳолининг асилзодаларидан чиққан ҳукмдор турарди. Улардан базиларининг номлари хитойчада Мугуа, Чан Фин, Янилийу деб берилган. Ҳукмдорнинг ёнида эпг якин қариндошлардан иккита ёрдамчи бўлган. Ҳукмдор давлат ишларини олиб боришда оқсоқоллар кенгашига суянган. Оқсоқоллар кенгаши ҳукмдор билан биргаликда давлат аҳамиятига молик ижтимоий, сиёсий ва диний масалаларни ҳал этган. Шу билан бирга оқсоқоллар кенгаши ҳукмдор фаолиятини муҳим масалаларда назорат қилиб борган. Олий кенгаш олдида ҳукмдорнинг ҳукуқи чекланган эди. Айниқса, уруш ва тинчлик, дипломатия масалаларда ҳал этувчи куч олий кенгаш қўлида эди. Олий кенгаш ҳукмдори ҳокимиятдан тушириши, унинг ўрнига янгисини сайлаши мумкин бўлган. Хитой манбаларининг хабар беришига қараганда, ўзга давлат ва унинг қўшини билап бўлган жанглarda доволликларнинг мағлубияти учун олий ҳокимият эгаси ҳукмдор оқсоқоллар кенгаши қарори билан ўлим жазосига торилан. Довон давлатининг сиёсий тузуми шаҳар давлат ёки воҳа давлатларининг эркин иттифоқидан ташкил топган конфедерация эди. Бундай давлат тизимининг вужудга келишида қадимги Фарғонада сўнгги бронза даврида (милоддан олдинги XI—VII асрларда) шаклланган деҳқончилик воҳалари ва улар базасида ташкил топган қадимги шаҳарлар асос бўлди. Ана шундай деҳқончилик воҳаларининг сони қадимги Фарғонада, археологик изланишларга кўра, 10 дан ортиқдир. Шулар жумласига Аравансой, Акбура, Султонобод, Қўрғонтепа,0 Андижонсой, Корабош, Тентаксой, Майлисой, Улуғнор, Шаҳрихонсой, Акман Йилғинсой ва бошқалар қиради. Уларнинг ҳар бирида ўнлаб антик давр ёдгорликлари бор. Бу воҳаларнинг кўпчилиги сўнгги бронза даврида ўзлаштирилган,

милоддан аввалги IV—I асрларга келганда эса улар базасида шаҳарлар қад қўтарган. Бу Хитой сайёҳи ва элчиси Чжан Сян қадимги Фарғона халқи билан, унинг хулқ-атвори, ўрф-одатлари, куч қудрати, табиати ва ҳайвонот дунёси билан танишар экан, у ўз императори номига ҳисобот ёзган ва Хитой императорининг этиборини Довонга тортган. Довон Хитой (Хан) империясининг Ғарб мамлакатлари билан ипак йўли орқали савдо-сотиқ ишларини юритишда жуда муҳим юрт ҳисобланарди. Фарғонанинг самовий дул дуллари—арғумок отлари Хан императорларини Даванни ўз тасарруфига олишга ундарди. Шу мақсадда Хитой Фарғона халқи устига қўшин тортиб боришга баҳона қилдиарди. Милоддан аввалги 104 йилда баҳона ҳам топилди. Фарғоналиклар томонидан Хитой фукароси Че Лиининг ўлдирилиши уларга Довонга қўшин тортиб боришга баҳона бўлди. Хитойликлар Довон устига қўшин тортиб борар экан, дастлаб Фарғона юришини кўз ўнгига келтирира олмаганлар. Узоқ йўл, ҳар қадамда маҳаллий ҳокимлар қўшинлари билан бўлиб турадиган тўқнашувлар Хитой армиясининг тинкасини қуритди. Улар Фарғонани эгаллаш у ёқда турсин, ҳатто биронта арғумок олишга ҳам эриша олмай, милоддан аввалги 102 йилда катта сонли қўшиндан қолган қолдиқ билан зўрға Хитойнянт Дун Хуан шаҳрига қайтади.

Бироқ хитойликлар бир йилдан сўнг, милоддан аввалги, 101 йилда 60 минг кишилиқ қўшин билан Фарғона иккинчи марта ҳарбий юриш уюштиради. Уруш хитойликлар учун енгил қўчмади. Қўшинга 50 дан ортиқ тажрибали лашкарбошилар бошчилик қилди. Бу сафар урушга махсус тайёргарлик қўрилди. Армияга шаҳарлар камал ҳолатга ўтганда сувсизликдан таслим этиш чораларини кўрувчи мутахассислар, арғумок отларни танлай оладиган мутахассислар жалб этилди, отлар учун қуруқ йем-хашак ғамланди. Биринчи жангдаёқ хитойликларнинг қўли баланд келиб, доvonликлар чекинадилар. Ерли аҳоли сонли Хитой аскарлари билан очиқ майдонда жанг қилишдан қочиб, майда-майда гуруҳларга бўлиниб қалаларга янширинадилар. Ниҳоят, Хитой қўшинлари Довон давлатининг пойтахти Эршини (ҳозирги Марҳамат

шаҳар харобаси) камал қиладилар 40 кунча давом этган қамалдан сўнг душман шаҳар ташқи деворини бузиб, шаҳар ичига киради ва унинг бир қисмини эгаллайди. Аммо мудофаачилар ҳам бўш келмайдилар.²⁰ Довон подшолигининг оқсоқоллар кенгаши ўз вакиллари хитойликлар ҳузурига юбориб, душман олдига ўз шартларини қўядилар. Улар, агар Хитой армияси ҳарбий ҳаракатни тўхтатса, ўз ҳукмдори кайсар Мугуани ўлдиришни ҳамда бир неча самовий дулдуллар ва Хитой армияси учун емак беражакларини вада қиладилар. Агар бу шартларга кўнмаса мудофаачилар қаршилик кўрсатишни давом эттиражакларини ва олдиндан келишувга кўра уларга Қапғуй қўшинлари ёрдамга яқин кунлар ичида келишини хабар қиладилар. Ҳолдан кетиб, тинкаси қуриган хитойликлар бунга рози бўлиб, бир неча арғумок отлар ва 3 минг бошқа турдаги отлар олиб қайтадилар. Хитой тарихчиси Сима Цяннинг хабарига кўра, Мугуа ўлдирилиб, унинг ўрнига Фарғона давлатининг собик ҳукмдори Моцойни тахтга ўтқазадилар. Шундан сўнг икки орадаги уруш тўхтади ва Хитойнинг қолдиқ аскарлари йўл-йўлакай қутилмаган тўсқинликларга учраб, Шарқий Туркистонга йўл оладилар. Узган аҳолиси хитойликлар қолдириб кетган қўшинни озиқ-овқат ва ем-хашак билан тامينлашдан бош тортиб, бутун отрядни қириб ташлайди. Буни эшитган Хитой қўшини яна ортига қайтиб, Ўзганни қаттиқ жанг билан қўлга киритади, Канг давлатига қочиб кетган таҳар ҳокимини хитойликларга топширишни талаб қилади ва уни қўлга ки-ритгач бошини танасидан жудо этади. Бирок, бу тадбирлар ерли аҳолини тинчитирмайди. Хитой армияси Довондан чиқиб кетиши биланок аҳоли Моцойни тахтдан тушириб, Мугуанинг инисини ҳукмдор қилиб кўтаради.

Милоддан аввалги II —I асрларда, Хитой манбалари қолдирган малумотларга кўра, Довонда деҳқончилик маданияти авж олган, йилқичилик ривожланган. Чжан Цяннинг сўзларига қараганда, бу заминда ҳаммаси бўлиб 70 га йақин обод шаҳарлар бўлган. Уларда бир неча юз минг

23. ²⁰ **Бойназаров Ф.** Антик дунё. Т.: Мехнат, 1989.

24.

аҳоли яшаган. Улар ерга ишлов беришда тенги йўқ миришкорлар бўлиб, шоли, буғдой ва бошқа экинларни экканлар. Боғдорчилик, биринчи навбатда узумчилик кенг ривожланган. Узумдан шарбат қилиш яхши йўлга қўйилган. Бой ер эгаларининг ертўлаларида бир неча 10 йиллар аввал тайёрланган винолар сақланади, дейди Чжан Цян. Бироқ уларда Парфия, Бактрия, Хоразм, Сўғдийларда бўлгани сингари танга пуллар зарб этиш бўлмаган. Савдода пулсиз мол айирбошлаш кенг йўлга қўйилган.

Антик давр Фарғонасида ҳунармандчилик ўзининг қатор тармоқлари бўйлаб кенг ривожланган. Тўқимачилик ва кулолчиликда ҳам ижобий ҳолатлар кузатилади. Ижтимоий ва сиёсий ҳаётда аёлларнинг ўрни катта бўлган. Уларга нисбатан ҳурмат кучли эди. Хитой тарихчиларининг ёзишича, агар аёл эрига бирор топширик килса, эр топширикни бажармасликни ҳаёлига ҳам келтира олмаган. Хитой тарихчилари қадимги Фарғона аҳолисини ташқи қиёфада қанғарларга ўхшаб кетади, улар чуқур кўзли ва калин соқолли бўлганлар, деб тарифлайди. Чжан Цян Довондан (Фарғонадан) то Анси (Парфия) гача бўлган ҳудудларда яшовчи аҳолининг тили ҳар хил бўлсада, аммо улар бир-бирларини тушинишини, уларнинг урф-одатлари ҳам бир-бирларига ўхшаш бўлганлигини такидлайди. Хитой айғокчиси Чжан Цяннинг Довон давлатининг қудрати ҳақидаги маълумотлари ҳам этиборга лойикдир. Довон 60 минг қўшинга эга эди. Пиёда аскарлари отлик қўшини ҳарбий маҳоратда тенги йўқ бўлган. Уларнинг чопар от устида туриб орқага қайрилиб камондан узган ўқлари душманни доғда қолдирарди. Уларнинг аёллари ҳам камондан ўқ узишда ўз эрларидан қолишмаган. Довонликлар ғарбда қанғоллар шимолда усунлар, шарқда аса уйғурлар билан яқин алоқада бўлишган. Хитой билан бўлган жангларда уларни ҳар доим қанғуллар қўллаб қувватлаганлар. Қадимги Фарғона давлати милодий эраининг дастлабки юз йилликларида маҳаллий аслзодалар сўлоласи бошқарган. Хитой манбаларига қараганда, қадимги Фарғонани 410 йилгача бир сулола (хонадони) вакиллари уз-луксиз бошқариб келган. Ўрта Осиё ҳудудларида Эфталлар давлати қарор топгач, қадимги Фарғона давлати ўз мустақиллигини йўқотган.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг охирларига келганда чорвадор аҳолининг бир қисми бугунга келиб ўзларига ўтроқ ҳаёт кўришни афзал кўрганликларини кўрамиз. Худди ана шу жараёнинг тимсоли сифатида Қадимги Фарғона илк дехқончилик маданияти пайдо бўлади. Ана шу бободехқонларимизнинг дастлабки қишлоқларидан бири 1951 йилда М. Э Воронеж томонидан Чуст шаҳри яқинидаги Буванамозор деб аталган булок ёқасидан топиб ўрганилади. Археологлар бу ёдгорликка шартли равишда **Чуст маданияти** деб ном берганлар. Чунки Буванамозордаги сўнги бронза даврига оид бу ёдгорликка яқин йирик аҳоли жойи Чуст шаҳри еди. Шундан сўнг тарихий ва археологик асарларда Ўзбекистон тарихининг қадимги харитасида Чуст маданияти ўз ўрнини топади. Чуст маданияти Фарғона водийсида ўрганилган энг қадимги дехқон жамоалари маданиятидир. Хозирги кунда Чуст маданиятига оид ёдкорликлар водийда 80 дан ортиб кетди. Уларни йил санаси милоддан аввалги II минг йилликнинг охири I минг йилликнинг биринчи чораги билан белгиланади. Бу маданиятга тегишли ёдгорликлар Фарғона водийсининг шимолий (Наманган вилояти) ва шарқий (Андижон вилояти) вилоятларида кенг тарқалган. Хозиргача 10 дан ортиқ ёдгорликларда археологик қазилмалар ўтказилган. Чуст маданиятига доир ёдгорликлар тоғ олди сой этакларида, уларнинг ўрта оқимида, воҳанинг текис районларида учрайди. Айниқса Қорадарё хавзасида, унинг ирмоқлари бўйлаб Чуст маданиятига доир дехқончилик қишлоқлари қад кўтарган. Чустда М.Э. Воронендан кейин В.И.Спришевский Б.Матбобоевлар ҳам қазилма ишлари олиб борган. Яна бир ёдгорлик Ю.А.Заднепровский томонидан Қорадарё ирмоқларидан бири Далварзинтепада ўрганилган. Қазилмалар

Қорақўрғон,

Тўрақўрғон, Терговчи, Язтепа, Гўримирон, Ғайраттепа Чимбой, Ашқалтепа каби ёдгорликларда ўтказилди. Уларни барчаси Чуст маданиятига оид бўлиб улардаги 1,5 - 3 метргача қалинликда сақланган маданий қатлам Чуст маданияти аҳолисининг ўтроқ ҳаёт кечирганликларидан далолат беради. Чуст маданияти ёдкорликлари тарихий топографик икки типга бўлинади:

1.Майдони бир гектаргача бўлган майда қишлоқлар. Уларнинг ҳар бири бир оила жамоасининг асосини ташкил этган. 2. Майдони 10 ва ундан ортиқ гектарга тенг бўлган қишлоқлар.Олимлар археологик қазилмалар натижасида қўлга киритилган ашёвий далилларга асосланиб Чуст маданияти материалларини икки даврга бўладилар. Унинг биринчиси бронза Даврининг сунгги босқичига оид. Иккинчи босқичи хронологик даврлаштиришда милоддан аввалги VIII—VII асрларга тегишли бўлиб, бу босқич материаллари илк темир даврига тааллуқлидир. Бу даврда Чуст маданияти қишлоқларида оташпарастлик диний қарашлари расмийлашади. Чуст қишлоқлари атрофида мудофаа деворлари барпо этилади. Масалан, Далварзинтепа мисолида милоддан аввалги VIII—VII асрларда қадимги Фарғонанинг илк шаҳри шаклланади. Бу шаҳар икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи — Ўрда қисмида жамоа ҳукмдорининг қароргоҳи жойлашган. Ўрданинг чор атрофидаги қалин мудофаа деворлар қолдиқлари Буванамозордаги Чуст қишлоғида, Ашқалтепада ҳам топилган. Чустда ҳом ғиштдан ишланган деворнинг қалинлиги 3 метр, унинг баландлиги эса 3,5 метрга тенг бўлган. Чуст маданияти ёдгорликларини қазилма жараёнида уларнинг қуйи қатламидан доира шаклида қурилган куплаб ўралар топилган. Масалан, Чуст маконида 60 дан ортиқ Чимбой маконида эса 16 та ана шундай ўралар очилган. Бу ўраларнинг қандай мақсадда қурилганлиги тўғрисида ҳар хил фикрлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар уларни кулба деб талқин этса, бошқа бир гуруҳ олимлар Фарғона водийсида яқин кунларгача анъана бўлиб келган ғалла омбори, ғалла ўралари деб биладилар. Бу ҳулоса ҳақиқатга бир оз яқиндир, чунки уларнинг майдони яшаш жой—кулбалар учун ноқулай эди. Чуст маданиятига доир ёдгорликларнинг қуйи қатламида гувала ёки ҳом ғиштдан қурилган кулбалар учрамайди. Ғиштдан қурилган уйлар—хонадонлар қолдиқлари Чуст маданияти тарихининг иккинчи босқичида пайдо бўлган. Дастлаб қадимги Фарғонанинг бободехқонлари ярим ертўла ва чайлаларда истиқомат қилганлар. Бу эса насл-насаби жиҳатидан қадимги чорвадор қабилалардан ажралиб чиққанликларидан гувоҳлик беради. Чуст

маданиятининг кашф этилганига 50 йилдан ортиқ вақт ўтишига қарамай, хали бу маданият аҳолисига тегишли махсус қабристонлар очилмаган. Маконларни қазиб жараёнида вайронага учраган уйлар атрофидан бир неча тартибсиз қўмилган мазорлар очилган. Бу мазорларга одамлар ёни билан ғужанак ҳолатида қўйилган. Уларда аниқ, бир тартиб кузатилмайди. Баъзи ҳолларда одам суяклари макон майдонидаги хўжалик ўраларида сочилиб ётар эди. Кўп ҳолларда бир чуқурчада уйталаб одам бош суягипинг ўзи учрайди. Бирок, мазорларда скелет атрофида сопол идишлар, ҳар хил тақинчок ва уй-рўзғор буюмдари учрамайди. Одатда ислом динига қадар бўлган мазорлар албатта тегишли ашёвий далиллар билан *таминланган*. Фақат Чуст маконида қазиб олинган бир мазорда скелет бош суяги яқинида битта гулли сопол коса топилди. Чуст маданияти ёдгорликларида баъзан ёш болаларни сопол идишларга солиб кумиш одати учраб *туради*. Чуст маданиятида металл билан боғлиқ хунармандчилик яхши ривожланган. Масалан, Чуст маконини қазиб вақтида 80 дан ортиқ, Далварзинтепада эса 60 та металл предметлар топилган. Металл билан боғлиқ хунармандчиликнинг ривожига ҳақида гап кетганда Чуст ва Далварзинтепа ёдгорликларидан топилган тош қолипларни ҳам курсатиш мумкин. Бу қолипларда ойна, ўроқ, пичоқ бигизлар қўйилган. Металл эса сопол идишларда — эритилган. Чуст маданияти ёдгорликларининг юқори қатламидан бронзадан қилинган асбоб-ускуналардан ташқари темирдан ишланган пичоқ топилган. Ёдгорликларда темир шлаклари куплаб учрайди. Чуст ва Далварзинтепани қазиб вақтида от узангилари ва сулиғи, ойна, билагузук, халқа ва қармоқлар, икки парракли бронза пайконлари топилди. Чуст маданияти ёдгорликларида тошдан меҳнат қуроллари ясаб давом этади. Масалан, биргина Далварзинтепани қазиб вақтида 1500 га яқин тош қуроллар топилган. Тош қуроллар орасида кум-тошдан ясалган ўроқсимон пичоқлар ясаб алоҳида диққатга сазовордир. Далварзинтепада 400 га яқин ана шундай тош пичоқлар топилган. Суякдан қурол ясаб кенг

йўлга қўйилган. Суякдан тароқ, моки, бигиз, урчук, ва бошқа буюмлар ишланган. Суякдан ясалган буюмлар орасида қўй, эчки ошиқлари нихоятда кўп. Уларга тегишли чуқурчалар ясаб, чуқурчаларга бронза қуйилган. Ошиқларнинг деярли кўпчилиги жуда силлик устки қисми тўк кизил тусда ва уларга берилган пардоз туфайли ошиқлар товланиб туради. Бу эса қумор ўйинидан далолат беради. Чуст маданиятида хунармандчиликнинг кенг ривожланган соҳаси кулолчилик эди. Лекин сопол ишлаб чиқаришда хали кулолчилик дастгохидан фойдаланишга утилмаган. Идишлар қўлда ясалган. Демак, чустликлар кулолчилик чархини билмаганлар. Чуст маданияти аҳолисининг хужалиги сунъий суғоришга асосланган дехқончилик эди. Иккинчи уринда чорвачилик турган. Хужаликда хонаки от, қорамол сақланган. Дехқончилик экинларидан бўғдой, арпа, тарик экилган. Чустликларнинг ғаллалари, юкорида таъкидлаганидек, ерга ўйиб ишланган ураларда сақланган. Хар бир ўрада 200 кг дан то 2 тоннагача ғалла сақлаш мумкин бўлган. Дехқончилик ишларида, ер хайдашда, экин-тикинларни янчишда хайвонлардан фойдаланилган. Масалан, қадимги Фарғонанинг ҳозирги Қирғизистон ҳудудига кирган Соймалитош қоя суратларида қўшга қўшилган хўкизларнинг тасвири бор. Бу суратлар Чуст маданияти даврига оиддир. Чуст аҳолиси ҳаётида хунармандчиликнинг тўқимачилик йуналиши юксак даражада ривожланган. Чуст маданияти ёдгорликларини казиш вақтида тўқимачилик дастгохига тегишли урчук, тошлар, моки ва суяк тароқлар кўплаб топилган. Шундай қилиб, милoddан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларида Фарғона водийсида Чуст

маданияти мисолида қадимги дехдончилик маданияти - таркиб топганини кўрамиз. Бу маданиятнинг келиб чиқиш масаласи борасида олимлар орасида давом этаётган илмий мунозаралар хали ўз нихоясига етгани ёқ. Бу маданият ижодкорларининг турмуш тарзи Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида топиб урганилган Сополлитепа маданияти ижодкорларидан маданий ва ҳужалик тараққиёти жихатдан минг йиллар орқада бўлган. Бу маданият аҳолиси Урта Осиёнинг туб ерли халқи бўлиб, улар жисмоний тузилиш ва антропологик тип жихатдан овруполиклар типига мансуб эди. Уларининг ижтимоий тузуми ибтидоий жамоа тузумининг охириги босқичи ва унинг емирилиш даври билан тавсифланади. Чуст маданиятидан сўнг қадимги Фарғонада уларнинг ворислари сифатида Элатан маданияти шаклланади. Элатан маданияти қадимги Фарғонанинг илк темир даврига оид маданий мероси бўлиб, унинг йил санаси милоддан аввалги VII— V асрлар билан белгиланган.

Қадимги Фарғонанинг Чуст маданияти типигаги жамоа излари Жанубий Сўғдиёнанинг бош шаҳри Ерқўргон шаҳри харобасининг пастки қатламида ҳам учрайди. Ерқўргондан топилган кулолчилик чархида ясалган сополларнинг йил санаси археологлар томоидан милоддан аввалги VIII—VII асрлар билан белгиланган. Чуст типигаги сополлар эса ана шу қатлам остида чиққан. Демак, Ерқўргонда топилган Чуст маданияти типигаги сопол парчаларини милоддан аввалги IX —VIII асрларга тегишли деб ҳулоса чиқариш мумкин. Чуст типигаги сополлар ҳозирги кунда қадимги Кеш вилоятида, яъни ҳозирги Шахрисабз тумани ҳудудида ҳам топилган. Археологлар Кеш вилоятининг Тўрткўлтепа деб номланган ёдгорлигида казишмалар олиб борар экан, бу ёдгорлиқнинг юқори қатлами илк феодализм даврига оид бўлиб, унинг қуйи — пастки қатлами Чуст маданияти типигаги ибтидоий

жамоаларнинг қишлоғи эканлиги аникланди.²¹ Бу фактлар қадимги Сўғдиёна марказий ва жанубий вилоятларида сўнги бронза давридан илк деҳқончилик маданияти ҳудудларига айланганлигини тасдиқлайди. Ана шу ёдгорликларни бизгача қолдирган қадимги бободехқонларимизнинг фаолияти туфайли Сўғдиёна милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарига келиб суний суғоришга асосланган йирик деҳқончилик марказига айланди. Қадимги Фарғонанинг Чуст маданияти типидagi ибтидоий жамоа излари Ўзбекистоннинг жанубий вилоятчи бўлган Сурхондарё ҳудудида — қадимги Бактрияда ҳам топиб ўрганилган. Шу даврга оид ёдгорлик илк бор археолог Л.И.Албаум томонидан Музрабод қўлидаги Кучуктепада топилди. Кейинроқ Кучуктепа типидagi макон харобалари Шурчи туманининг Миршоди қишлоғида, Бандихондаги Майдатепанда, Бўйрачи—1 ва Бўйрачи—2 маконларида, Кизилча—6 ёдгорлигида топиб ўрганилган. Юқорида номлари зикр атилган ёдгорликлар Жанубий Ўзбекистоннинг сўнги бронза даврида ташкил топган учта (Шеробод, Бандихон ва Шўрчи) қадимги деҳқончилик марказларида жойлашган бўлиб, бу ўлкада деҳқончилик воқалари аллақачон шаклланган. Қадимги Бактрия милоддан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярмиданоқ қадимги Шарқ цивилизацияси тизимида кирган, Шунинг учун ҳам Бўйрачи—1, Бўйрачи—2, Жарқўтон ёдгорликларда Чуст типидagi археологик ашёвий далиллар шу ёдгорликларнинг юқори қатламида учрайди. Бироқ қадимги Бактрияда Чуст типидagi маданият кенг томир отиб кетмади. Бу ўлка халқи ўзининг қадимги илғор маданий дунёси билан жамият тараққиётининг келажак истиқболлини белгилаб берди. Ҳатто милоддан юввалги I минг йилликнинг бошларида бу ўлкага Чуст типидagi маданият ворислари кириб келганда ҳам келгиндилар туб аҳоли маданияти билан ҳисоблашишга мажбур бўлди ва унинг қарига сингиб кетди. Биз бу манзарани қадимги Бактрия подшолиги давридаги (милоддан иввалги VIII — VII асрлар) маданиятдан яхши биламиз. Яна шуни такидламоқ керакки,

25. ²¹ Асқаров А.А. Ўзбекистон тарихи. Тошкент. 1994

милоддан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларида қадимги Бақтриядаги иқтисодий ва маданий ҳаёт шу (даврдаги қадимти Фарғона ва Сўғдиёнадан тубдан фарқ қилар эди. Агар чустликлар ва тўрткўлтепаликлар ўз бобокалонлари ананаларига кўра чайла ва ярим йертўла типдаги кулбаларда яшаган бўлсалар, қадимги Бақтрияда Кучуктепа, Майдатеида, Бўйрачи ва Кизилчада аҳоли ғишт ва пахсадан қурилган уйларда истиқомат қиларди. Хунармандчиликнинг тўқимачилик, бронза, металл билан боғлиқ бўлган ва кулолчилик соҳалари юксак ривожланган эди. Келгиндиларнинг ўзлари билан олиб келган қўпол ва мўрт, сиртига ангоб бериб рангли нақш босилган сопол ишлаб чиқариш усули бу ўлкада тезда ўз умрини тугатди. Унинг ўрнини аввалгидек кулолчилик чархида ишланган сопол идишлар ишлаб чиқариш технологияси эгаллади. Қумтошдан ўроқсимон пичоқлар яшаш ҳам бу ўлкада ривож топмади. Шунинг учун Чуст маданиятига хос ананавий мерос тезда ўз ўрнини иқтисодий ва маданий тараққиётда уларга нисбатан анча йуқори турган ҳаёт тарзига бўшатиб берди. Чуст маданиятига хос моддий ва маданий ёдгорликларининг қадимги Шарқ цивилизацияси марказларидан бири бўлган Бақтрияда пайдо бўлиши ўша замон этник жараёнига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бу ибтидоий жамоа тартиб қоидаларининг бузилишига, унинг ўрнида синфий жамият талабига жавоб берувчи янги жамият бошқарув тизимининг келиб чиқишига олиб келди.

КУШОНЛАР САЛТАНАТИГА ОИД АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАР.

Милоддан аввалги IV аср охирларида, аниқроғи Спитамен мағлубиятидан сўнг, Хитой йилномаларида юэчжилар деб аталган массагет қабилалари Шарқий Туркистондан то Мўғулистон чегараларигача бўлган ҳудудларга кетиб қолган эдилар. Ўша вақтларда хунлар Балхашдан то Хитойгача бўлган ҳудудда яшаб келарди. Юэ-чжилар хунларнинг жанубий қўшинлари сифатида Шарқий Туркистонда жойлашиб, уларни ўз таъсирига олиш ниятида юрарди. Уларнинг бу нияти, айниқса милоддан аввалги III асрнинг иккинчи ярмидан намоён бўла бошлайди. Чунки ҳудди шу йилларда Ўрта Осиёнинг жануби-шарқий вилоятларида Юнон-Бақтрия давлатининг таркиб топиши юэ-чжиларни безовта қилар ва унга қарши Ўрта Осиё қабилаларининг бирлашган мушқил қўшин тузиш зарурияти пайдо бўлган эди. Юнон-Бақтрия давлати подшоси Евтидем массагет қабилаларининг ягона қўшин тузиш режасини барбод этиш мақсадида хунлардан усталик билан фойдаланади. Шу мақсад йўлида Евтидем милоддан аввалги 206 йилда салавкийлар ҳукмдори Антиох III билан шимол қўчманчиларига қарши ҳарбий иттифоқ тузади. Шу йили Хун шаҳзодаси Модэ юэ-чжилар қўлидан гаровликдан қочиб, ўз отасини ҳокимиятдан ағдариб, катта қўшин билан юэ-чжилар устига ҳарбий юриш бошлайди. Милоддан аввалги 176 йилда, яъни Юнон-Бақтрия подшолигининг давлат чегаралари то Шарқий Туркистон ва Хитойгача бориб етган йилларда хунлар юэ-чжилар устига иккинчи марта

юриш қилади. Ниҳоят, милоддан аввалги 165 йилда хунларнинг қўли баланд келиб, юэ-чжиларни ғарбга улоктириб ташлайдилар. Улар мағлуб бўлган юэ-чжилар подшосининг бош суягидан коса ясаб, ғалаба учун шароб ичадилар. Жангда енгилган юэ-чжи қабиалари қадимги Фарғонага чекиниб, у ерда истиқомат қила бошлайдилар. Қадимги Фарғонада, айниқса унинг шимолий раёнларида юэ-чжиларнинг қишлоқлари ва шаҳарлари қад кўтаради. Улар энди ягона бир подшо қўл остида бўлмай, балки қабила ва уруғ ябғулари (қабила оқсоқоллари) қўл остида яшайдилар. Масалан, Наманган вилоятининг Янгикўрғон районидаги Кушон ва Косонсойдаги Косон шаҳар харобаси юэ-чжилар асос солган қишлоқ ва шаҳар эди. Милоддан аввалги 155 йилда Юнон-Бактрия давлати инқирозга юз тутди. Бир томонда Бактрия ҳукмдори Евкратид ҳиндлар билан бўлган жангда мағлубиятга учради, Парфия Марғиёни тортиб олди, Сўғдиёна ҳукмдори ўзини мустақил деб эълон қилди. Худди шу вазиятдан фойдаланган юэ-чжилар милоддан аввалги 140 йили Сўғд ерлари орқали Бактрияга кириб келади. Юнон-Бактрия подшолиги эса 100 йиллик ҳукмронликдан сўнг ҳалокатга учради. Шимолий Бактрия ерларини эса бу ерга ёпирилиб келган юэ-чжи қабиалари эгаллаб, ўз ябғулари қўл остида яшай бошлайдилар. Хитой йилномаларида ёзилишича, юэ-чжилар Бактрияга келгандан сўнг 100 йил мобайнида 5 та қабилага бўлиниб яшаган. Гуйшуан (Кушон) қабиласи (ябғуси Кудзула Кадфиз) қолган тўрт қабила ябғуларини тобе этиб, ўзини ҳукмдор деб эълон қилади. У аввал Кушон беклиги сифатида ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида жойлашган Далварзинтепани Кушон беклигининг пойтахти қилади. Сўнгра у ўз давлат чегараларини кенгайтириш ва қудратини мустаҳкамлаш мақсадида Амударёнинг чап соҳили районларини эгаллашга отланади. Хитой манбаларига кўра, Кушон давлати Парфияни, Афғонистонни ва Кашмирни босиб олади. Ниҳоят, Кудзула Кадфиз 80 ёшида оламдан ўтади. Унинг даврида кушонлар ўз пулларини зарб этмаганлар. Кудзула Кадфиз тангалари Рим императорлари ва Парфия подшолари зарб этган тангаларга тақлид қилиниб чиқарилган. Шунинг учун подшолик тангаларида «Кудзула Кадфиз

Ябғу» деган ёзувлар учрайди. Кейинроқ унинг «Хукмдор Кадфиз» ёзуви билан тангалари пайдо бўлади. Кудзула Кадфизнинг ўлимидан сўнг унинг ўғли Вима Кадфиз тахтга ўтиради. Унинг даврида Кушонлар давлати Покистон ва Ҳиндистоннинг марказий вилоятлари ҳисобига кенгайди. Вима Кадфиз номидан тангалар зарб этилади. Унинг тош хайкали эса Ҳиндистоннинг Матхура шаҳрида қад кўтарилди. У 30 йил подшолик қилади. Унинг даврида пул ислоҳоти ўтказилади. Вима Кадфиздан сўнг кушонлар салтанати Канишка кўлига ўтади, Унинг даврида Ҳиндистоннинг жанубий районлари, Ўрта Осиёнинг Сўғдиёна, Хоразм ва Чоч вилоятлари кушонлар кўлига ўтади. Канишка номидан «шоҳларнинг шоҳи—улуғ халоскор» ёзуви билан танга пуллар зарб этила бошлайди. Бу тангалар Ашхаботдан Хоразмгача, Тошкент воҳасигача бўлган ҳудудларда кўплаб топилган. Канишка даврида Кушон давлати жуда гуллаган ҳамда ҳудуди кенгайган эди. У будда динини расмий равишда давлат дини деб эълон қилади. Ўзи эса, будда анъаналарига кўра, буддизмни қабул қилиб, унинг империя миқёсидаги ташвиқотчиси ва ҳимоячисига айланади. Канишка давлатида Ҳиндистон ҳар жиҳатдан юксак аҳамиятга молик эди. Шунинг учун у пойтахтни Бактриядан Пешаворга кўчиради. I асрнинг 70—80-йилларида Шарқий Туркистон ерлари масаласида Хитой-Кушон можарolari келиб чиқди. Кушонлар дастлаб хитойликларининг Шарқий Туркистон ерларини эгаллаш учун қилган ҳарбий ҳаракатларини қўллаб-қувватлайдилар. Ҳатто улар 84 йилда Қашғар ҳукмдорига Қанғуй томонидан хитойларга қарши курашиш учун юборган кўшинини тезда чақириб олишни Қанғуй подшосига тавсия этади. Шундан сўнг Қанғуй подшоси ўз кўшинини чақириб олади, Қашғар ҳокимлиги эса хитойликларга таслим бўлади, кейин кушонлар Хитойнинг Турфонни босиб олишига ёрдам қилади. Бирок, хитой кушон алоқалари 2—3 йил ўтгач бузилади. Бунга Хитой томонидан Кушон давлати элчисининг қамаб қўйилиши сабаб бўлади. Элчи катта совғалар билан Хитой императорининг қизини кушонлар подшосига унаштириш учун борган эди. Ҳақоратланган Кушон ҳукмдори 70 минг кишилик кўшин билан Хитойга

юриш қилади, аммо мағлубиятга учраб, зўрға Шарқий Туркистонга қочиб қолади.¹⁰² йилда Хитойнинг енгилмас лашкарбошиси Бан Чао ўлгач, Шарқий Туркистон вилоятлари бирин кетин Хитойга қарши қўзғолон кўтардилар. Бундан фойдаланган кушонлар 107 йилда Шарқий Туркистонга бостириб боради. Кушонларнинг Шарқий Туркистонда пайдо бўлиши бу мамлакатга буддизмнинг фаол кириб боришига имконият яратади. Кейинги йиллардаги Хитой Кушон можаролари кушонларнинг Шарқий Туркистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга имкон бермайди. Аммо Хиндистон йилномаларида Канишканинг Тарим ҳавзасини босиб олгани ҳақида сўз юритилган. Сосон подшоси Шопур I (241—242 йиллар) ёздирган «Зороастр Каабаси»да кушонлар империясининг ҳудуди ҳақида: «Кушонлар мамлакати Пешавор, Кашғар, Сўғд Чочгача чўзилган»,—дейлади. Ўрта Осиёда кушонлар асос солган 3 та шаҳар бўлган: Кушон шаҳри (Косой)— Фарғона водийсида; Кушон шаҳри (Каттакўрғон) — Зарафшон воҳасида; Кушон шаҳри (Кеш) Кашқадарё вилоятида. Канишка 23 йил подшолик қилади. Канишкадан сўнг кушонлар тахти унинг ўғли Васишка қўлига ўтади. Бирок, у 4 йилгина подшолик қилади, холос. Сўнг ҳокимлиг Хувишка қўлига ўтади. У 32 йил ҳукмронлик қилади. Ундан сўнг подшолик Васудева қўлига ўтади. Васудева ва 34 йил подшолик қилади. Унинг даврида Кушон иккига бўлинади. Мамлакатнинг бир қисмида Васудева, иккинчи қисмида эса Канишка III подшолик қилган. Бу ҳақда уларнинг номидан зарб этилган танга пуллар гувоҳлик беради. Кушон подшолари халқаро дипломатик ва савдо масалаларига катта эътибор берадилар. Масалан, 99 йилда Кушон давлатининг элчиси Римга юборилган. Кушон ва Рим империялари ўртасида яқин алоқалар бўлган. Шунинг учун бўлса керак, Рим императорлари II аср бошларида Троян колонияларига Римга келган дипломатлар, савдогарлар, хунармандларнинг тасвири туширганлар. Ана шу ҳайкал тасвирларда Урта Осиё вакиллариининг тасвирлари ҳам учрайди. Бақтрия ҳудудида Рим тангалари ва санъат асарларининг намуналарп учрайди. Юкорида эслаб ўтилганидек, Вима Кадфиз даврида пул ислоҳоти ўтказилди. Бунга кўра

Кушон давлатини пули жорий этилди. Пуллар олтин, кумуш ва мисдан ишланди. Олтин тангалар ташки савдо учун зарб этилди. Битта олтин танганинг оғирлиги 8 грамм бўлган. Канишка даврида ўтказилган ислохотга кўра давлат тили сифатида кушон-бактрия тили олинди. Бунгача давлат тили юнонча (Кудзула даврида), сўнгра юнон ва ҳиндча (Вима Кадфиз даврида) эди. Канишка даврида тангалар бактрия ёзуви билан чикадиган бўлди. 100 йилда Канишка будда дини уламолари курултойини чақиради. Дин ислохоти ўтказилди. Аввал тангалар фақат ҳинд худоси шива тасвири билан чикарди. Энди тангалардаги тасвирларда худдоларни сони кўпаяди. Бу эса Канишканинг ички будда динини давлат дини деб эълон қилсада, диний масаласида ҳар хил эътикодга имкон берганлигидан далолат берарди. Ички ва ташки савдо, у билан боғлиқ ҳолда пул зарб этиш йўлга қўйилди. Жуда катта ҳудудда тинчлик ва осойишталик яратилдики, бунинг оқибатида деҳқончилик ва унинг юрак томирлари ҳисобланган иншоотларини барпо этиш давлат тасарруфида ривожланди. Ҳунармандчилик кенг кўламда юксалди. Бу даврда яратилган бадий санъат асарлари чуқур дид ва нозик санъат намуналари сифатида кушонлар маданияти ва санъатини кўкларга кўтарди. Аяа шундай юксак ривожланиш асосида, албатта, Кушон империясининг Бактрия ва Ҳинд ерларида қадимдан давом этиб келаётган иқтисодий ва маданий дунёси ётар эди. Иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда юксак ривожланган кушонлар салтанати Канишканинг вориси Хувишқадан кейин аста-секин инкирозга юз тута бошлайди. 226 йилда кушонлар салтанатидан ғарбда — Парфия давлатининг ўрнида Сосонийлар давлати пайдо бўлди. Бу давлатнинг асосчиси Ардашир I Парфияга қараган, лекин ҳар хил сабаблар билан ундан анжралиб кетган вилоятларни қайтаришга киришди. Бундай вазият кушонларни бефарқ қолдирмади. Кушон подшоси Васудева сосонийлар томонидан бўладиган хавфга қарши иттифок, қидириб, 230 йилда Хитойга елчи юборади. 242—243 йилларда икки ўртада бўлган жангда сосоний Шопур I нинг қўшини кушонлар устидан ғолиб чиқди. Шу жангдан сўнг сосонийлар Шаркий Хуросон ҳудудларида «кушоншоҳ»

унвонига эга бўлдилар. 252 йилга келиб эса улар «Кушон шоҳларининг улуғ шоҳи» деган унвонни ҳам олдилар. Худди шу йилларда кушонлар Ҳиндистондаги ерларининг катта қисмидан ҳам айрилди. Масалан, бир будда матнида (III аср ўрталарига оид) «дунё уч қисмга (Хитой, Рим ва Кушон) бўлинган, аммо «осмон ўғлонлари» (императорлари) тўртта: Хитой, Рим, Кушон ва Ҳинд» деб хабар берилади. Ҳинд манбаларига кўра, III аср ўрталарида Ҳиндистонда кушонлардан мустақил давлат таркиб топган. Худди шу йилларда Хоразм ҳам кушонлардан ажралиб чиқади. Шундай қилиб, III аср ўрталаридан кушонлар салтанати чуқур иқтисодий ва сиёсий инкирозга юз тутди. Лекин кушонлар бошига тушган бу қийинчиликлар Кушон давлатини батамом йўқ қилиб юбормади. Кушон давлати Ўрта Шарқнинг йирик давлатларидан бири сифатида 100 йилдан ортиқ вақт яшади. Сосон подшоларининг кучайиши кушонларнинг Рим империяси билан алоқасини янада мустаҳкамлашга олиб келди. Кушон элчилари 274 йилда Рим императори Аврелининг Палмир устидан ғалабасига бағишланган тантаналарда қатнашади. Сосонийлар Рим-Кушон дўстлигидан хавфсираб, энди кушонлар билан алокани яхшилаш йўлида сиёсат олиб бора бошлайди. Сосонийлар шоҳи Хормузд II (301 — 309) кушонлар маликасига уйланди. IV асрнинг ўрталарида кушонлар сосонийлар ўртасидаги муносабатлар яна ёмонлашди. Шопур II (309—379) кушонларга қаттиқ зарба бериб, Шимолий Бактрия ерларини тортиб олди. Аммо кушонлар бу зарбага ҳам бардош бердилар. IV асрнинг охирида Балхда сўнги кушонлар сулоласи сифатида кидариларни тахтга ўтқозиш тантаналари булган. Шундан бошлаб тарих сахнасига янги кучлар чиқди. Бу кучлар ўз вақтида Кушонлар империяси таркибига кирган кучманчилар бўлиб, улар бу буюк империянинг тарих сахнасидан ўчишга олиб келди. Кушон подшолиги ва кушонлар даври Ўзбекистон, Тожикистон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон тарихида муҳим ўрин тутади. Бу даврда Ўрта Осиё шаҳарлари ҳаётида юксак ривожланиш рўй берди. Деҳқончилик воҳаларида қатор янги шаҳарлар қад кўтарди. Эски шаҳарлар тараққиёти янги босқичларга

кўтарилди. Кушон подшолиги дастлабки йиллариданоқ Ўрта Осиёга Бактрия орқали будда дини кириб келди. Сурхондарё вилояти ва Тожикистон ҳудудларида олиб борилган археологик изланишларнинг гувоҳлик беришича, бу заминда буддизмга хос меъморий ва ҳайкалтарошлик санъати ўзининг классик даражасига кўтарилган. Археологлар бу ерлардан буддизмга доир кўплаб ёдгорликларни очиб ўрганганлар. Улардан бири, Айритом ёдгорлигидир. Бу ёдгорлик Термиз яқинида, Амударё бўйида қад кўтарган. Айритомдан топилган меъморий санъат асарларида қадимги мусиқа асбоби — арфа чалиб ўтирган мусикачи тасвири туширилган. Эски Термиз шаҳри ҳудудида Қоратепа ёдгорлиги очилган. Археологлар бу ёдгорлик будда динининг ибодатхонаси эканлигини аниқлаганлар. Қоратепа табиий тепа бўлиб, унинг чор атрофида қазиб қурилган ўнлаб галереялар—будда ва бадисатвалар ҳайкаллари турган. Қоратепа яқинида Фаёзтепа номи билан яна бир будда ёдгорлиги ўрганилган. У ерда олиб борилган археологик изланишлар шуни кўрсатдики, Фаёзтепа будда дини ибодатхонаси ва ўқув мактаби экан. Талабалар шу ерда яшаб будда таълимоти бўйича таълим олганлар. Буддизм даврига оид ёдгорликлар Сурхондарё вилоятида яна Далварзинтепа, Зартепа, Куёвқўрғонда ҳам очиб ўрганилди. Бу ёдгорликларнинг кўпчилиги II—IV асрларга оид бўлиб, улар кушон даврига оид ўтмиш маданиятимизнинг дурдоналари ҳисобланади.

ХУЛОСА

Ўзбекистон республикасининг давлат мустақиллигининг энг улугъ неъматларидан бири шу бўлдики, ёшларимиз ватан тарихини ҳеч қандай бўёқларсиз, амалий ҳаётда қандай бўлган бўлса, шундай ҳолисона ўрганиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Ватан тарихининг баркамол инсонни шакллантиришдаги ўрнига юксак баҳо бериб; “Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди”²² деган эди. Ватан чегарасини тарихини унинг маданий мероси белгилайди. Ўтмишни бугун яратиб бўлмайди, ўтмиш бугунни яратади. Тарихдаги ҳар бир ижтимоий юксалиш жамиятнинг оз меросига, ўз ўтмишига бўлган муносабатини ислох қилишдан бошланган. Ўтмишига бўлган ҳар қандай, ижодий мурожаат эса ҳамиша инқилобий ўзгаришларга замин таёрлаган, ўтмиш ақидалари бугун учун хизмат қилган.

Ўтган асрнинг 40-50 йилларидан бошлаб мил. авв. IV милодий IV асрлар ўрта осие тарихи ўрганиш жараёнида “антис”, “антис давр” жумлалари муомалага кирган эди. “Айрим тадқиқотчилар бу жумлаларни фақат Греция ва Рим тарихига нисбатан ишлатиш лозим деган ғояни, илгари сурган бўлишларига қарамай, ўрта осие қадимги тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчи олимлар -археологлар, таарихчилар, антропологлар, санатшунослар кабиларнинг кўпчилиги бу жумлаларни ўрта осие тарихига нисбатан ҳам ишлатиш мумкун деган нуқтаи назар тарафдори бўлдилар.”¹

Милоддан аввал IV асрдан бошлаб ўрта осиенинг асосий деҳқончилик вохалари ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг батамом янги, фаол йўлига ўтдики, бу ривожланиш милодий III-IV асрларда инқирозга учрай бошлади. Шахарсозлик маданиятига оид кўп сонли ва турли- туман ёдгорликлар айнан мана шу ривожланиш жараёнидан далолат беради. Таъкидлаш жоизки бу давр қадимги дунё кўпгина давлатлари жамияти тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий ва умуммаданий жабҳаларида намоён бўлган янги босқичи билан изоҳланади. Бу янги босқич турли давлатларда ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Ундан ташқари бу давр бутун қадимги дунё давлатларини қамраб олган жаҳон тарихидан ҳодисаларнинг баъзи белги ва хусусиятлари жиҳатдан бири-бирига ўхшашлиги жараёнларидан бири эди. “антис “жумласи европа тилларидан “ўтмиш “ , “ўтмиш қадимият” , “қадимги” деп таржима қилиниши мумкин.

Милоддан аввалги IV асрдан бошлаб ўрта осие сивилизатсияси ривожланишида сифатий янгиланиш даври бошланди. Бу давр маданияти тараққиётининг муҳим кўринишлари жамиятнинг доимий ривожланишида ўз аксини топади. Милоддан аввалги IV асрнинг ўрталаридан бошлаб сўнги ахамонийлар ўртасидаги ўзаро кураш ва кейинроқ македониялик Искандарнинг босқинчилик юришлари ҳам бу ривожланишни батамом тўхтата олмади. Ушбу ривожланишнинг энг кўп кўзга кўринган томони

¹ Ешов.Б. Ўрта осиенинг қадимги шаҳарлари тарихи.Т 2008.17 бет.

турли режавий тузилишга эга бўлган йирик шаҳарлар бўлиб, улар сонининг ортиб бориши жамият тараққиётида шаҳарсозлик ишларига алоҳида этибор қаратилганидан далолат беради. Бу ҳолат Урук, Хараппа, Олтинтепа, Сополлитепа, Жарқотон каби илк шаҳарлар шаклланишидан тубдан фарқланиб ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Антик давр ўзининг ривожланиш босқичида иккита катта даврни босиб ўтди . булар; милoddан аввалги IV-I асрлар ва милodий I-IV асрлар.

Ушбу даврлар ижтимоий муносабатлар ва маҳаллий кўринишдаги давлатчилик ривожланиши билан боғлиқ бўлиб , уларга хос сиёсий ва мафкуравий томонлари билан ажралиб туради. Антиқ давр бутун маданий ҳаётда бўлгани каби шаҳарлар ҳаётининг ўзига хос томонлари маҳаллий ва эллинистик айрим ҳолларда хинд шаҳарсозлик анъаналрининг ўзаро уйғунлашуви билан изоҳланади бу ҳолат маълум маънода сиёсий воқеалар билан ҳам боғлиқ эди. “ Чунончи, македониялик Искандарнинг юришлари, Салавкийлар ва Грек-Бақтрия подшоҳликларининг пайдо бўлиши, кейинроқ Қанғ, Довон ва кушонлар давлати ҳам антиқ давр моддий маданиятининг ривожига сезиларли таъсир кўрсатган “.¹

Яқин ва ўрта шарқнинг турли давлатлари, жумладан орта осий ҳудудларида катта хронологик давр Грек-Македон сулолари сиёсий ҳукмронлиги даври сифатида изоҳланиб фанда бу давр эллинизм даври деб аталди .

“Эллинизм “- (болқон ярим оролидаги эллада шаҳри номи билан боғлиқ). Бу аниқ тарихий мавжудлик бўлиб, иқтисодий ҳаётда , ижтимоий ва сиёсий тузумда , мафкура ва маданиятда эллинизм ҳамда шарқ унсурларининг ўзаро уйғунлашуви ифодасидир.”¹

Қадимги давр эллинизм дунёси Гречиядан Хинд дарёси водийсигача бўлган улкан ҳудудни қамраб олган эди. Тадқиқотчилар, эллинишув даражасига

¹ Каримов. Ш. Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. Андижон 1995, 86-92.б.

¹ Шамсутдинов Р. Моминов Х. Ўзбекистон тарихи Т 2013. 68-69.бет

караб бу худудни учта минтакага бўлдилар . 1эллада 2 кичик осиё , Сурия ва Миср . 3 эфрат дарёсининг шарқидаги вилоятлар . Бу худудлар тарихий адабиётларда “ элинлашган шарқ” тушунчасида акс этган бўлиб, унинг таркибига Месопатамия, эрон, Ўрта осиёнинг жанубий вилоятлари , Афғанистон , Тожикистон, ва Хиндистоннинг македониялик искандар босиб олган худудлари кирган.

Македўниялик Искандар юришлари натижасида кенг миқёсда бошланган эллинизм маданиятининг кириб келиши Бактиря, Парфия ва Сўғдиёна шаҳарлари, хунармандчилиги ва бадий амалий санъатига катта тасир кўрсатди.

Олиб борилаган археологик тадқиқотлар натижасида ўрта осиёнинг жанубий худудларидан эллинизм маданияти билан боғлиқ бўлган турар жойлар, моддий-маданият буюмлари, танга пулларнинг топилиши бу худудлардаги маҳаллий маданиятга эллин анъаналари шаҳарсозлик, хайкалтарошлик, бадий-амалий санъат, алифбо ва бошқалар кучли тасир этганидан далолат беради. Шу билан биргаликда бу топилмалар маҳаллий маданиятдаги ривожланиш антис давр шарқ ва гарб маданиятининг ўзаро уйғунлашуви натижасида ўзига хос маданият даражасига кўтарилишининг ҳам гувоҳидир.

Тарих тажрибасини ҳозирги даврда рўй бераётган мураккаб ижтимоий сиёсий воқеаларни янада чуқурроқ идрок этиш ва тушунуб етишга, мустақиллигимиз ва тараққиётимизни қадирлашга имкон яратади. Шунинг учун ҳам президентиимиз бу ҳақда ”биз ўз тарихимизни йўқга чиқара олмаймиз. Бу тарихимизда ҳам қаҳрамонона ҳам фожеали саҳифалар кўп бўлган. Ахир, кекса авлодларнинг ота боболарнинг кураш ва меҳнاتини инкор этиб бўладими ?”¹ деган эди.

Тарихга фикран назар ташлайдиган бўлсак халқлар, жамият ва кишилик цивилизациялари тақдирларини олиб қарасак, барча маданиятлар, жамиятлар ва халқлар ўз мавжудлик тақдирида шакилланиши ва пайдо

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка еришиш остонасида Т 2011. 165 бет.

бўлиш, ривожланиши ҳамда инқироз жараёнларини бошдан кечирганини кузатишимиз мумкин. Ушбу мавжудлик даври давомида улар ўртасида турли алоқалар ўзаро тасир ва озаро боғлиқлик тартиби мавжуд эди. Ўлкамиз ҳудудидаги анτισ давр моддий маданият ёдгорликлари ва унинг миллий маънавиятни шакиллантиришдаги тутган ўрни ҳам кўп ҳолларда айнан мана шу алоқалар ва боғлиқлик тартиби билан белгиланади. Шундай экан мен ушбу ишимда бу мавзунини шу томонларинини манбалар асосида ёритишга эришдим деб ҳисоблайман.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. **Бойназаров Ф.** Антик дунё. Т.: Мехнат, 1989.
2. **Буниятов З.** Государство Хоразмшахов – Ануштегинов. М.: 1998.
3. **Иброхимов Н.** Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиё бўйлаб саёҳати. Т., 1991
4. **Исҳоқов М.** Сўғдиёна тарих чоррахасида. Т.: Фан, 1990
5. **Кабилов Ж., Сагдуллаев А.** Ўрта Осиё археологияси. Т., 1990.
6. **Толстов С. П.** Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Т.: Фан. 1964.
7. **Шаниязов К.** Узбеки – Қарлуки. Т.: Наука. 1964. **Шониёзов К.Ш.**
8. **Шониёзов К.** Қанғ давлати ва қанғлилар. Т., 1990.
9. **Ғуломов Я.Ғ** Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Т., 1959
10. **Ғуломов Я.Ғ.** Қадимги маданиятимиз илдизлари. Т.: Фан.
11. **Эшов Б.** Сўғдиёна тарихидан лавҳалар.-Т., 2002.
12. **Эшов Б.** Қадимги Ўрта Осиё шаҳарлари.-Т., 2006.
13. **Асқаров А., Абдуллаев Б.** Джаркутан (к проблеме протогородской цивилизации на юге Узбекистана) . Ташкент. 1983
14. **Сарианиди В.И.** Бактрия сквозь мглу веков. М. 1984
15. **Толстов С.П.** Древний Хорезм. Опыт историко- археологического исследования. М. 1948
16. **Гулямов Я.Г.** История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент. 1957
17. **Сагдуллаев А.** Усадьбы древней Бактрии. Ташкент. 1987
18. **Толстов С.П.** По сделам древне хорезмийской цивилизации. М. 1948
19. **Городская культура Бактрии, Тохаристана и Согда.** Ташкент. 1987
20. **Қўйқирилганқалъа-памятник древнего Хорезма. IV-в до н. э. - IV в н. э. М.,** 1967
21. **Пьянков И.В.** Бактрия в античной традиции. Душанбе. 1982
22. **Рапопорт А.Ю.** и другие. Топроқ-кала. Дворец. М., 1984
23. **Ставиский Б.Я.** Кушанская Бактерия: проблемы истории культуры. М., 1977
24. **Асқаров А.А.** Ўзбекистон тарихи. Тошкент. 1994